

POSTDA



O'zbekiston Respublikasi
IIV nashri

2010-yil

Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	So	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	So	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	So	Ch	Pa	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24

Sentabr

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqqan boshlagan • E-mail:urmvd@inbox.uz • №36 (3877)

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШLANGAN TANTANALI MAROSIMDAГИ ТАБРИК СЎЗИ



Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Хурматли меҳмонлар! Бугун гўзал ва бетакор юртимизда буюк айём, катта тантана. Халқимиз асрлар давомида овозиб кутган ўз миллий мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамини баланд руҳ ва хурсандчилик билан кутиб олмакда.

Ҳақиқатан ҳам барчамиз учун энг улуг, энг азиз булган ана шу байрам билан сиз азизларни, сизнинг тим-соллингида бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш мен учун катта бахтир.

Азиз дўстлар!

Бугун, шу кутлуг айём арафасида Ватанимиз озодлигига эришиш, ҳеч кимга тобе ва қарам бўлмастан, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, юртимиз бойликларига, унинг табиий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятига эга бўлиш, бир сўз билан айтганда, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақилликини муштақлаш йўлида халқимиз хандай отир ва машаққатли йўлни босиб ўтгани беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Биз бу йўлда ҳар қандай мураккаб ва тахликали синовлар, тўсиқ ва говлардан ўтиб, ёвуз ва зўравон ҳаракатлар оқлида бош эгмасдан, қанчалик қийин бўлмасин, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик, эзгу мақсадларимизга етиш учун қатъият ва матонат билан қадам қўйдик.

Бугун мустақил тараққиёт йилларида босиб ўтган, осон кечмаган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни, эришган ютуқ ва марраларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, ҳолисона бир хулосага келишимиз табиийдир.

Яъни, бундан ўн тўққиз йил олдин юртимизда эркин ва мустақил демократик давлат ва очик фуқаролик жамияти қуриш, иқтисодиётимизни кескин ва чуқур ислоҳ этиш, аҳолиимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қара-

тилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш бўйича қабул қилган азму қароримиз аққою ягона, тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг исботини аввало шу юрtdа яшаётган ҳар қайси инсон ўзи ва оила, яқинлари мисолида, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланиб, обод бўлиб бораётгани мисолида яққол кўриши мумкин.

Бунинг тасдиғи сифатида ҳали-бери давом этаятган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамастан, Ўзбекистон дунёдаги санокли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ўсишнинг юқори ва барқорор суръатларини намоян этмоқда.

Охириги икки йил давомида мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш даражаси мос равишда 9 ва 8,1 фоизни ташкил этгани, бу йил эса 8,5 фоизни ташкил этиши кўтилаётганининг ўзи кўпчиликнинг хайрат ва ҳавасини уйғотмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган марраларни ўзимизга тасаввур қилиш учун қуйидаги рақамларни келтириш ўринли деб биламан.

1990 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши тахминан 3,5 қарра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 2,5 баробар ошган, ўртача ойлик иш ҳақи эса шу йилнинг охиригача қарийб 500 АҚШ долларини ташкил қилиб, тахминан 14 қаррага қўядади.

Яна бир рақам – Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва юртимизда инсон саломатлигини асраш, унга муносиб шароит яратиш ва гамҳўрлик курсатиш улуғсиз ўсиб бораётганининг тасдиғи сифатида аҳолиимизнинг ўртача умр кўриш даражаси сўнги йигирма йил давомида 67 ёшдан 73 ёшга етганининг ўзи кўп нарсдан далолат беради.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз: бундай натижаларга албатта бир-икки йил мобайнида эришиб бўлмайди.

Бу марраларни биз мустақиллик йиллари давомида халқимизнинг кундалик машаққатли ва ўта отир меҳнати эъзизига қўлга киритганмиз.

Шунинг учун бу мўътабар заминда истиқомат қилаётган ҳар бир юрtdошимиз бу ютуқлардан гурурланиб-файрланиб яшашга тўла ҳақлидир. Қадрли юрtdошларим!

Бизнинг энг эзгу мақсад-муддаимиз – дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига киришдан иборатдир. Бунинг учун ўз моҳияти ва аҳамиятига қўра бир-бирига тенг, бир-бирини тўлдирадиган икки ҳал қилувчи вазифани амалга ошириш бизнинг доимий эътибор марказимизда туриши зарур.

Биринчидан, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни ва олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий-ижтимоий ўсишимиз ва технологик ривожланишимиз суръатларини юксалтириш ҳисобидан Ватанимиз тараққиёти ва аҳолиимиз фаровонлигини муносиб даражага кўтаришдир.

Иккинчидан, мамлакатимизни модернизация қилиш ва эркинлаштириш, сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий тизимни демократик янгиланиш, юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришни давом эттиришдир.

Биз бугун мана шундай буюк мақсадларни олдимизга қўяр эканмиз, чуқур англаб олишимиз зарурки, бундай оғуш-интилиш мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб олиб бораётган сиёсатимизнинг манфий ва қийиний давоми бўлиб, бутун халқимиздан тинимсиз меҳнат ва кў-гайратни сафарбар этишни талаб қилади.

Шу билан бирга, бу вазифа замон ўзгариши билан ҳар биримиздан дунёқарашимиз, онгу тафаккуримизни, сиёсий ва ҳуқуқий савиямизни юксалтириш, ён-атрофимизда бўлаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришни, содда қилиб айтганда, бу гўзал ва бетакор юрт – мен учун ягона Ватан, унинг бошидан кеңираётган қувонч ва ташвишлари – меннинг қувонч ва ташвишларим, деб, шундай ҳиссиёт билан яшашни талаб қилади.

Шу борада менинг энг катта умидим ва ишончим – мана шу муқташам майдонга чирой бериб ўтирган биз азиз фарзандларимиз, сизнинг тимсолингида бугун қувватга тўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмайман, деб, зармонавий билим ва тажрибаларни эгаллашга бел боғлаган, тобора халқилуучи куч бўлиб ҳаётга кириб келаятган ёш авлодда, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди. Бундай авлоднинг ҳеч қачон ениб бўлмайди.

Мамлакатимизда 2010 йилга "Барқамол авлод йили" деб ном берганимизнинг ўзи айнан шундай эзгу

орзу-ниятларимизни амалга ошириш йўлида, ҳеч шубҳасиз, яна бир қатъий қадам бўлиб қолажак.

Ишончим комил, кўпни кўрган, бошидан кўп синовларни ўтказган халқимиз чуқур англайдик, бундай юксак вазифалар ва олижаноб орзу-ниятларимизни амалга ошириш учун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, осуда ҳаётимизни кўз қорачигидек асраш, жамиятимиздаги миллатлар ва динлараро тотувлик ва бағрикенгликни янада муштақлашимиз даркор.

Энг муҳими, минтақамизда, яқин ён-атрофимизда янги қарама-қаршилик ва тажовуз ўчоқларини аланга олдиришга ҳаракат қилаётган ҳар қандай қучлардан доимо сезгир, оғоҳ ва хушёр бўлиб, бундай уринишларнинг олдини олиш ва бартараф этишга тайёр туришни бугунги но-тинч ва тахликали замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкор бўлиб яшашни, барча узоқ ва яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада муштақлашнинг биз ҳамиша энг долзарб вазифа деб билганимиз ва бундай сиёсатни албатта изчил давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда байрам қувончини биз билан баҳам кўраётган хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, муҳтарам меҳмонларимизга халқимиз номидан ҳурмат-эҳтиром билдириб, дунёда-р қарча дўсту ҳамкорларимизга самимий салом ва тилақларимизни йўллашга руҳсат бергайсиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим! Шу мунаваар оқшомада ҳаммамизни Мустақиллик байрами билан яна бир бор қутлар эканман, аввало, юртимизни тинч-омон сақлаб, асраб келаятган, эзгу ишларимизга ўзи маддадор бўлган Яратганимизга шукроналар айтиб, эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлмиш халқимизга бош эгиб таъзим қиламан.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, бахту саодат, хондонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаф-фо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди



Мустақиллик – энг улуг, энг азиз неъмат. Озодлик, ҳуррият, эркинлик. Бу олий тушунчалари юракдан ҳис қилиш, англаб яшаш – буюк саодат.

Мустақиллик – халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечирishi имкони-ни бергани, юрtdошларимизнинг барча соҳаларда ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намоян этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши учун бекиёс имкониятлар яратгани билан қадрлидир.

Халқимиз ўзининг энг улуг, энг азиз айёми – мустақиллигимизнинг йўллашга руҳсат бергайсиз. Азиз ва қадрли ватандошларим! Шу мунаваар оқшомада ҳаммамизни Мустақиллик байрами билан яна бир бор қутлар эканман, аввало, юртимизни тинч-омон сақлаб, асраб келаятган, эзгу ишларимизга ўзи маддадор бўлган Яратганимизга шукроналар айтиб, эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлмиш халқимизга бош эгиб таъзим қиламан.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, бахту саодат, хондонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаф-фо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Мустақиллик – энг улуг, энг азиз неъмат. Озодлик, ҳуррият, эркинлик. Бу олий тушунчалари юракдан ҳис қилиш, англаб яшаш – буюк саодат.

Мустақиллик – халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечирishi имкони-ни бергани, юрtdошларимизнинг барча соҳаларда ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намоян этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши учун бекиёс имкониятлар яратгани билан қадрлидир.

Халқимиз ўзининг энг улуг, энг азиз айёми – мустақиллигимизнинг йўллашга руҳсат бергайсиз. Азиз ва қадрли ватандошларим! Шу мунаваар оқшомада ҳаммамизни Мустақиллик байрами билан яна бир бор қутлар эканман, аввало, юртимизни тинч-омон сақлаб, асраб келаятган, эзгу ишларимизга ўзи маддадор бўлган Яратганимизга шукроналар айтиб, эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлмиш халқимизга бош эгиб таъзим қиламан.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, бахту саодат, хондонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаф-фо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Мамлакатимиз, халқимиз ҳаётда озодлик ва ҳуррият саҳифасини очиб берган мустақиллик кўнини нишонлар эканмиз, Президентимиз Исроом Каримов раҳнамолигида тарихан қисқа даврда босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлимиз давомида эришган юксак марраларимиз, амалга оширган бетимсол ишларимиз беихтиёр кўз олдимизда гавдаланади. Бу йиллар, ҳеч шубҳасиз, мазмун-моҳиятига қўра, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида Ватанимиз тарихи саҳифаларига зарҳал қарфлар билан муҳрланди.

«Ўзбекистон». Муаззам саҳнадан таралаётган бу қўшиқ гўзал қиру адирларимизда, далола даштларимизда, пувиқор тоғларимизда, файзли қишлоқларимизда, мафтун қарсақлар билан кутиб оладилар. Бу ашула гўё барчамизнинг қалбимиздан чиқаятгандек. Ҳа, киндик қонимиз томган ота маконимиз, жо-наҳон Ватанини васф этувчи тароналар юракларни жундушга келтиради, кишига ўзгача завқ-шафқ бағишлайди, эзгуликка ундайди, бунёдкорликка қорлайди...

(Давоми 2-бетда).

ҲУРРИЯТ

Ҳуррият, муқаддас байрам ўзинг,
Гарчи таннмлар бор ичу тошигда.
Мен учун фахрир ҳар айтар сўзинг,
Бир умр парвона бўлгум қошигда.

Ҳуррият, дудил бок, ёвар ивوسي
Тутса этагиндан тутаверсинлар.
Ҳасадга тўладир улар даъвоси,
Олдидан бири ҳам ўтаверсинлар.

Ҳуррият нелигин машвум замонда
Ноймол булган ҳуқуқ, ҳаққимдан сўранг.
Қадрин тополмайин яшаб армонда,
Тили забун булган халқимдан сўранг.

Ҳуррият нелигин хоки хор булган
Имом Бухорийдек инсондан сўранг.
Ватани ўйша тингу тор булган
Қодирийдан сўранг, Чўлпондан сўранг.

Одамзот бор экан, кўкка тиқиб кўз
Ору қилганини кутгай бетоқат.
Тарих тухфа берса, олгай у сўзсиз
Ҳуррият аталмиш гаҳарни фақат.

Шоирлар ёгайдир қасидасин ҳам,
Қўйлаб Ҳурриятнинг хуш сафосини.
Риққин териб юрсин майли ҳар одам,
Ҳар эл азиз тутсин Раҳнамосини.

Билам, сен йўлдасан, ет ниятингга,
Ольд кечган умр – жаннатлардан соз.
Билиб қўй, шу кутлуг ҳурриятингга
Эн саккиз минг олам фидо бўлса оз!

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири.

Қасамёд ЮРАГИНИ ЮРТИ УЧУН ТУТGANЛАР...



Энг улуг, энг азиз байрамимиз – Мустақилликнинг ўн тўққиз йиллиги нишонланаётган муборак кунларда аънамага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ИИВ олий татлим муассасаларида биринчи курсга қабул қилинган йигит ва қизларнинг юрт тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш, она-Ватанинг ҳар бир қарич ерини кўз қорачигидек авайлаб-асраш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қасамёд қабул қилиш тантаналари бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат, тинч, осойишта юртга байрамлар ярашади. Бу кунда Истиқлолимиз, осойишта ҳаётимиз, миллий қадриятларимиз, сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий ҳаётимизнинг энг улуг, энг азиз айём кўни қасамёд қилишларида улкан рамзий маъно бор. Бу уларнинг ҳуррият сабабли шундай буюк бахтга эришиб турганлигига, энг олий неъматимиз бўлмиш – тинчлик ва осойишталикни асрашга ишорадир. Юртга булган меҳру муҳаббатини, садақатини қасамёдда битилган сўзлар билан уйғун тарзда изҳор этишга, она-Ватан шавъини тоғлардек юксакларга кўтаришга тайёр туришибди. Байрам либосида турган Алпомишлар, формаси ўзига ярашган Барчиноларга қараб ҳавас қиласиз. Юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, халқига, Ватанига садақатли бўлишга шайланган шерюрлар, улар

... Республика ИИВ Академияси саф майдони узра байрамона руҳ кезмоқда. Тадбирда республика ИИВ раҳбарияти ва тингловчиларнинг ота-оналари ҳозир бўлиши. Уни Академия бошлиги вазифасини вақтинча бажарувчи, полковник Т. Саитбаев очар экан, барчани байрам билан муборакбод этди.

Республика Ички ишлар вазира, генерал-лейтенант Б. Матлюбов минбарга кўтарилгач, полковник А. Абдурахмонов вазирга Академия шахсий таркиби қасамёд қабул қилиш тантанасига сафланганлиги тўғрисида ахборот берди.

Шундан сўнг тингловчилар бирин-кетин Ватанига, халқига, Президентига содиқ бўлишга қасамёд қилишди.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдирномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Содир этган жинойтлари учун судланганлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган ҳаёт шартлари ҳисобга олган ҳолда):
 - а) аёллар;
 - б) жинойт содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
 - в) 60 ёшга тўлган эркаклар;
 - г) чет эл фуқаролари.
2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган ёки унча отир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.
3. Биринчи ва иккинчи турух ногиронлари, шунингдек, ушбу Қарор қучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида

қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган қўра қасалликка чалинган деб топиладиган шахслар (жавобгарликни оғирлаштиришдан ҳолатларда қасдан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний қучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштиришдан ҳолатларда қасдан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

(Давоми 2-бетда).

Қасамёд

ЮРАГИНИ ЮРТИ УЧУН ТУТГАНЛАР...

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Академияда аъло ўқиши, намунали хулқи, жамоат ишларида фаол иштироки ва ташкилотчилик қобилиятини яққол намойиш қилиши билан сафдошларига ўрнак бўлиб келаётган уч нафар тингловчиси «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг стипендианти» Фахрий ёрлиғи билан тақдирлаш тўғрисидаги республика Ички ишлар вазирлигининг буйруғини вазири ўринбосари, полковник Алишер Мирзаев ўқиб эшиттирди. Генерал-лейтенант Б. Матлюбов стипендиатларга Фахрий ёрлиқни топширarkan, уларнинг келгусидаги ўқиш ва ишлариغا муваффақият тилади.

Шундан сўнг республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбовнинг маърузаси тингланди. Вазири қасамёд қабул қилган йигитларга қарата яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, Академия профессор-ўқитувчилари, устоз ва мураббийлар ёрдамида зарурий билим-кўникмаларни пухта эгаллашлари, етук мутахассис кадрлар бўлиб етиштирилиши лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, вазири тингловчиларнинг келажақда халқимиз ишончини ҳамда қабул қилган қасамёднинг оқлашларида умид билдириarkan, жумладан, шундай деди:

«Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, шон-шухратини янада юксалтириш, барча соҳаларда изчил амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас вазифасидир. Ҳар бир халқ ва миллатнинг эртанги кунни бугун камолга етказган ёшлар билан узвий боғлиқ эканлиги яна бир бор яққол намойиш бўлмоқда. Шунинг учун ҳам истиқлол йилларида мухтарам Президентимиз ташаббуси билан жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялаб, воёга ет-

казиш вазифасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг «Шердил ва Утўрак йигитлар миллат кўрки, Ватан фахридир» деган шиорига амал қилиб, ўсиб-ўниб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бериш билан бирга, Ватан тақдири, унинг бугунги ва келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этидиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш энг асосий вазифалардан бирига айланди. Барчангиз қасамёдга содиқ қолиб, намунали ин-

риб юборди. Келажақда оқошталлик посбони деган номга сазовор бўлиб, оиламиз, маҳалладошларимиз, қолаверса, халқимиз тинчлиги ва оқошталлигини сақлашга, уни кўз қорачигидек асрашга муносиб ҳисса қўшаман, дея ваъда бераман.

– Сурхондарё вилояти Денов туманидан келдик, – дейди биз билан суҳбатда Товашар Мусиров. – Ун нафар фарзандим бор. Ибодулла ўғилларимнинг кенжаси. Бугун орузсига эришиб, тингловчи деган шарафга сазовор бўлганидан жуда бахтиёрман. Ниятим, энди у мардларга хос шижоат билан юрт оқошталлигига ҳисса қўйсин.

– Ўғлим Меҳридин Рўзимуродовни тингловчилар сафида кўриб хурсанд бўлдим, – дейди Навоий вилояти Навбахор туманидан келган Марҳамат Рўзимуродов ва кўзида севинч ёшлари қалқиб. – Байрам шодибаналари Президентимиз раҳнамолигида «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган эзгу гоя асосида халқимиз томонидан катта хурсандчилик билан нишонланмоқда. Фарзандим шундай улуг айём кунни қасамёд қабул қилганидан мамнунман. Ўғлим ҳам Ватанига содиқ қолиб, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилса, эл қорига яраб, сидқидилдан хизмат қилса, мен бахтли оналар қаторида бўламан.

Тадбирда ИИВ Ашула ва рақс ансамбли иштирокчилари ўзларининг куй-қўшиқлари, дилрабо рақслари билан барчани ҳўшнуд этишди.

Азизжон ФАЙЗИЕВ, «Поста» мухбири.

ҚАСАМЁД

(Қўшиқ)

ОНА: Қувонч порлар бугун менинг юзларимда, Қалбим титраг ҳаяжонли сўзларимдан. Мужгонимда кўзёш эмас, жоним болам, Кўёш чиқди бугун менинг кўзларимдан.

Қадамлари ёлқин-ёлқин, Юраклари утлиг, болам. Кел бағримга, келмақолгин, Қасамёдинг кўтуғ, болам!

ЎҒИЛ: Опажоним, қувончидан кўкка учдим, Отажоним пойларини суяб кучғум. Қалбим тугён, бошим осмон, ох, онажон! Бугун азиз Ватан учун қасам ичдим.

Қадамларим шаҳдам-шаҳдам, Юрагим-ла ишққа тўлдим. Садоқатдир менинг аҳдим, Мен Ватанга ўғил бўлдим!

ОНА: Ёд эт энди Ватан дея ўтганларни, Эл тинчи деб кўксин қалқон этганларни. Сенинг каби фарзандларин бахтин ўйлаб, Юрагини юрти учун тутганларни...

ЎҒИЛ: Қачон катта бўламан-а, ойи, дердим, Энди мен ҳам ишқман деб кўкрак кердим. Ёнгинамда ўзим каби дўстлар билан, Юрт ишонган Юртбошимга ваъда бердим.

ОНА ва ЎҒИЛ: Ватан учун ҳар дам тайёр фарзандлар бор, Бобалардан мерос қолган номусу оғ. Соувқнафас инсонларга тутсан қасас, Мардлар борки, юртимизда доим баҳор.

Қасамёдни ёдга олинг, Такрорлангиз эртанга кеч. Бобалардан дуо олинг, Сафда хато бўлмасин ҳеч...

Эркин САТТОРОВ.



тимизнинг нуфузли олий таълим муассасаларидан бири бўлган ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида тахсил олиш бахтига муяссар бўлдингиз.

Эндиликда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, тартиб-интизомга қатъий риоя қилган ҳолда пухта билим эгаллашингиз, касб маҳоратингизни мунтазам равишда ошириб бўришингиз талаб этилади.

Зеро, халқимизда «Билгаги зўр бири, билими зўр мингги йўқар», деган нақл бор. Шунинг учун устоз-мураббийларнинг

ўғит ва насиҳатларига бекаму-қўст амал қилиб, эгаллаган маррада тўхтаб қолмасдан, доимо олға интилинг.

Фақат жисмонан бақувват, маънавий баркамол, мутахассислиги бўйича пухта билим ва амалий кўникмаларни эгаллаган ҳарбий хизматчиларгина масъулиятли вазифаларни урдадай оладилар.

Фахрийлар номидан истеъфодаги полковник Исроилжон Бўронов, ота-оналар номидан Барно Охунвалар сўз олиб, олий даргоҳда тахсил олиш бахтига муяссар бўлганликларини билан муборакбод этиб, йигитларга оқ йўл тилашди.

Билим юртининг 3-босқич курсанти Максуджон Мухторов вазири стипендиантига лойиқ қўрилгани учун миннатдорлигини билдириди.

Қўшалок байрам иштирокчилари орасида қўларидан анвойи гуллар кўтарган ота-оналарнинг қувончи чексиз эди. Улардан айримларини суҳбатга тортамиз.

– Ўғлим Нуралининг болалик орузлари рўёбга чиққанидан, ҳарбийлик соҳасини танлаганидан хурсандман, – дейди Бўхро вилоти Қорақўл туманидан келган Болта Каримов.

– Кийимлари ўзига ярашиб турган, шаҳдам қадамлар ташлаётган йигитлар орасида ўғлим Акмалжон ҳам борлигидан, ша- рафли касбни танлаганидан ғоят мамнунман, – дейди Фарғона вилояти Фарғона туманилик Раҳмонжон Нурматов.

Тантанана ташриф буюрган санъаткорлар томонидан ижро этилган дилрабо куй-қўшиқлар тадбирга ҳўш қайғирта бағишлади.

Фуркат ХОЛИКУЛОВ, «Поста» мухбири.

Юртимиз мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан давом этаётган байрам тантаналарига Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимидаги олий ўқув юртларида қасамёд қабул қилиш тадбири улашиб кетди.

Эрта тонгдан ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактаби ховлисида ҳам ўзгача таратдуд. Қасамёд қабул қилувчи курсантларни қўллаш учун келган меҳмонлар, ота-оналар қалбиде ҳаяжон. Майдонда саф тортиб турган курсантлар томон севинч билан боқибди, ўз жигарларини кўриб ифтихор ва гурур туйишди. Оркестр садолари қалбларда ватанпарварлик ҳиссини янада тўлқинлантди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири бошчилигидаги меҳмонлар минбарга кўтарилган полковник В. Зокиров Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбовга Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактаби 1-босқич курсантлари «Ички ишлар идоралари ходимларининг қасамёди»ни қабул қилиш тантанали маросимига сафланганлиги ҳақида ахборот берди.

Шундан сўнг мактаб бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник Д. Исроилов йигитларнинг юртимиз истиқлолининг 19 йиллик айёми ва бугунги тантанана – қўшалок байрам билан табриқлади. Шунингдек, курсантларни ўз соҳасининг фидойиси, юртининг, халқнинг чин маънадоғи жасур ва мард ўғлони бўлишига чорлаб, қасамёд – ана шу эзгу ниятлар йўлида ички

ишлар идоралари сафига кирган ҳар бир ходимга халқимиз, мамлакатимиз томонидан берилдиган ишонч ёрлиғи эканини таъкидлади.

1-босқич курсантлари биринкетин қасамёд қабул қилишди. Юрт тинчлиги, оқошталлиги йўлида хизмат қилишга тантанали равишда ваъда беришди. Шунингдек, ўқишда ва жамоат ишларида ўзини кўрсатган бир неча курсантларни «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири стипендианти» Фахрий ёрлиғи билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруқни вазири ўринбосари, полковник А. Мирзаев ўқиб эшиттирди.

Курсантларга Фахрий ёрлиқларни Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов топширди. У эл-юрт ҳимоясига шай турган курсантларни қасамёд қабул қилганликлари билан табриқлар экан, мамлакатимизда мухтарам Президентимиз Исроил Каримов раҳнамолигида баркамол авлод тарбиясига, етук мутахассис кадрларни воёга етказиш ишларига катта эътибор бериб келинаётганини таъкидлаб, элу юрт олдидаги юксак ишончини оқлаш, она-Ватан хизматидага тайёр туриш асл, мард йигитларнинг шарафли бурчи эканлигини алоҳида қайд этиб ўтди.

Мактаб профессор-ўқитувчилари номидан подполковник Дониёр Бахронов ва ота-оналар номидан табрик учун сўз олган М. Сайдалиева Ватан оқошталлиги йўлида хизматга бел боғлаган йигитларга омад тилашди.

Шунингдек, Фахрий ёрлик билан тақдирланганлар номидан 4-босқич курсанти Мусобек Абдуллаев ҳамда қасамёд қабул қилган курсантлар номидан сўз олган 1-босқич курсанти Дилшод Ақромовлар вазирилик ва мактаб раҳбариятига ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Тантанана сўнггида ҳушвоз хонандалар ижросидаги концерт дастури намойиш этилди.

Умида БОЛЛИЕВА, Суратларда: тантаналардан лавҳалар. Шавакат ҚАҲХОРОВ олган суратлар.



Хаётда шундай касблар бўладики, у ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу ҳарбийликдир. Бу касб инсондан нафақат жисмонан бақувват, маънан етук, шу билан бирга, юксак ақлзаковат ҳамда интеллектуал салоҳиятни талаб қилади. ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ана шундай етук офицер-кадрлар тайёрлаб берадиган ИИВ тизимидаги ягона ўқув муассасаси ҳисобланади.

1 сентябрь. Соат 10.00. Таълим муассасаси байрамона безатилган. Саф майдонга узра шаҳдам қадам ташлаётган йигитларнинг юзларида кўнани, эришган ютуқларидан фахрланш ҳисси уфуриб турибди. Улар Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байра-

ми нишонланаётган шўқули бир пайтда қасамёд қилишди. Маросимни билим юрти бошлигининг биринчи ўринбосари, подполковник Ё. Сайдуллаев очиб, йигитларнинг қўтуғ айём билан табриқлади.

Ўқишга янги қабул қилинганлар бирин-кетин халқи, Ватани ва Президентига содиқ бўлиши оинт ичишди.

Шундан сўнг Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг стипендианти» Фахрий ёрлиғига сазовор бўлган курсантларга ёрликларни топширди ва ушбу шодибна билан барчани муборакбод этар экан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлади:

– Азиз курсантлар! Мамлака-

та-оналар номидан Барно Охунвалар сўз олиб, олий даргоҳда тахсил олиш бахтига муяссар бўлганликларини билан муборакбод этиб, йигитларга оқ йўл тилашди.

Билим юртининг 3-босқич курсанти Максуджон Мухторов вазири стипендиантига лойиқ қўрилгани учун миннатдорлигини билдириди.

Қўшалок байрам иштирокчилари орасида қўларидан анвойи гуллар кўтарган ота-оналарнинг қувончи чексиз эди. Улардан айримларини суҳбатга тортамиз.

– Ўғлим Нуралининг болалик орузлари рўёбга чиққанидан, ҳарбийлик соҳасини танлаганидан хурсандман, – дейди Бўхро вилоти Қорақўл туманидан келган Болта Каримов.

Миннатдорлик

ЧИН ДИЛДАН ТАШАККУР

Менга тегишли бўлган жиноий ишни ҳар томонлама қонуний, ҳолисона, ҳаққоний олиб борганили ҳамда фуқаролик ҳуқуқларимни, ор-номусимни, шаънимни тиклашнишда, жиноятчиларнинг қилмишларини фош қилишда адолат билан ёндашгани учун Тошкент вилояти ИИБ Тергов бошқармаси терговчиси, катта лейтенант Дониёр Қамбаровга ўз миннатдорлигини билдираман.

Ниятим, ўз касбига содиқ, ҳар қандай таъзиялардан инсонийликни, виждоний покликни устуни бўлган ички ишлар идоралари ходимлари сонин кўпаяверсин. Ана шундагина юртимизда қонуни астуворлиги, адолат тамойиллари ўз урнини эгаллайди ва ҳақиқат гўлиб чиқади. Оила аъзоларимиз билан Дониёр Қамбаровга ва у каби виждон пок, ҳалол инсонларга чин юракдан ташаккур билдирамиз, келажакда ўз соҳасининг билимдонлиги бўлиб юришларига тилакдошимиз.

Маҳбуба ЭРҒАШЕВА.

Саховат

Энг улуг, энг азиз байрам, Мустақиллигимиз шўқули кўзиб юрган айни кунларда ички ишлар идоралари ходимлари машаққатли хизматдан ортиб кўнгли ўксик болажонларга байрамона қайғилит ҳада этишга вақт топишмоқда. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига асосан Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадаси ходимлари У. Қурбонов номидаги республика болалар психоневрология шифохонасини оталиққа олишган эди. Бу ерда давлатнадиған 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларнинг аксарияти ногирон. ППХ бригадаси ходимлари бўш вақтларида келиб касалхона ховлисини оқлаб, экин ва дарахтларни парваришлашди. Улар ҳомийлигида спорт майдончалари қурилди. Бундан ташқари, болажонларни хўшнуд қилиш учун турли концерт дастурлари қўйиб беришди, совға-саломлар улашишди.

БОЛАЖОНЛАРГА ШОДЛИК УЛАШИБ

Яқинда Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадаси батальон командири ўринбосари, подполковник Нурқобил Сувоқулов бошчилигида 1-отряд командири ўринбосари, капитан Саъдулла Аҳмедов, 2-отряд командири, капитан Учқун Ёқубовлар болажонлар учун байрам дастурхонини тузашди. Сержант Илҳом Матёкубов ва Асомиддин Нурматов ижросидаги куй-қўшиқлар, шўх тароналарга болажонлар мириқиб рақсга тушишди.

– Истиқлол йилларида касалхонамиз замонавий тиббий ускуна-

лар билан бойитилди. Сурдолог-педик мослама, «Солю», «Мото Мед» каби болаларни гапиршига, юришга, қўлларини ҳаракатлантиришга ўргатадиган мосламалар ҳатто республикада ягона. Бундан ташқари, болаларимизга, касалхонамизга ҳомийлик қилаётган ички ишлар идоралари ходимлари ҳам моддий-маънавий кўмак бермоқда. Яқинда бир бўлимимизга юмшоқ ўйинчоқлар ҳада этишди, дейди касалхона бош шифокори ўринбосари Фарҳод Ҳамраев.

Гули Нигор АБАЗОВА, «Поста» мухбири.

Мустақиллик менинг тақдиримда

ИСТИҚЛОЛ БАХШ ЭТГАН ҚУВОНЧ



Давлатимиз мустақиллиги эълон қилганида ун тўрт ёшда эдим. Эҳтимол, ушанда бу буюк неъматнинг маъини чўқиниша ақлим етмаганлир. Аммо ота-онам ва яқин қариндошларимнинг юзлагани қувончини кўриб, Истиқлол тақдиримга битилган олий бахт эканлини чуқур ҳис қилдим. Айниқса, йигитлик бурчимни ўлаётганимда Ватанга хизмат қилиш нечоғли шараф эканини тушуниб етдим. Урғин давлат университетининг инженер-техника факультетини тупатиб, Қорақўл вилояти Республикаси ИИВ ЕХБ жанговар тайёрарликни ташкиллаштириш ҳамда мувофиқлаштириш бўлимига ишга кирдим. Хизмат либосимда янги кўркям ва ўқтам кўринганим боисини ота-

онам қувончларини ҳеч яширолмади. Оилада олти фарзандимиз, беш ўғил, бир қиз. Отам мени бағрига босиб: – Ўғлим, мана энди оқошталлик посбони бўлдинг. Билсанг, бу ҳам Истиқлол берган улкан имкониятдир. Уни асраш ва мустаҳкамлаш йўлида ҳамда халқимиз тинчлиги ва оқошталлигини таъминлашда бор куч-ғайратингни аяма, – деб маслаҳат берган эдилар.

Истиқлолнинг илк қўнлариданоқ ҳукуматимиз томонидан ёшларга яратилётган имконият ва имтиёзлар ҳам бу муқаддас Ватанда инсоннинг нақилар азилигидан далолат берди. Айниқса, ёш оилаларни моддий томондан қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотлардан унумли фойдаланиб, имтиёзли кредит эвазига иморат кўтардим. Баркамол авлод йилида янги уйга кўчиб ўтиш турмуш ўрғотгим ва фарзандларимнинг қувончинини ошириши шубҳасиз. Албатта, Истиқлол бахш этган бу онларни унутти қўйин.

Хизматда ҳам эришган муваффақиятларимда тақдиримга битан



мустақилликдан шўқуналиқни туйман ва катта масъулиятни ҳис қилман. Мақсадим – отам берган ўғитларни фарзандларимга етказиш, улар қалбида ҳам шу азиз Ватанга ишбабан кучли муҳаббатни шакллантириш. Чунки тақдиримизга битилган Истиқлол кўёшн анлодларимиз боши узра манту порлаб турган.

Нёъматжон ЮЛДАШЕВ, Қорақўл вилояти ИИВ ЕХБ катта муҳандиси, капитан.

Ҳуқуқ-тартибот посбонлигида

ҲУШЁРЛИК ВА ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

кўмагидан кенг фойдаланилганини айтиб ўтиш жоиз.

Вазирлик режаси ва фармойишига асосан 25 июлдан бошлаб республика ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш мақсадида мамлакат миқёсида «Тозалаш – Анти-террор» тезкор-профилактик тадбири ўтказилиб, унга ички ишлар идоралари ходимлари билан бирга жамоат ташкилот-

лари вакиллари ҳам кенг жалб этилди. Тадбир давомида ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишига мойил бўлган шахсларни аниқлаб, жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда уларга ижобий таъсир ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Жиноят содир этиб, қидирувда юрган 683 нафар шахс аниқланиб кўлга олинди, 75 нафар бедарак йўқолган фуқаро қидириб топилди, оиласига қайтарилди. 59 нафар одам савдоси, 19 нафар жиноий йўл билан кўлга ки-

ритилган қимматбаҳо буюмларни олиб сотиш билан шугулланувчи шахслар аниқланиб, уларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди. Шу билан бирга, 492 та гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ ҳолатлар аниқланиб, жиноятчилардан 485 килограммдан ортиқ наркотик моддалар олинди.

Байрам арафасида республика миқёсида 175 та янги қурилиш объектлари фойдаланишга топширилди. Уларнинг



Мустақиллик байрами арафасида аҳоли ўртасида кенг қўламли тушунтириш ишлари олиб борилиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга катта эътибор берилди. Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги Хоразм маҳалласида хизмат ўтаётган профилактика инспектори, лейтенант Шерзод Раҳмонов фуқароларнинг паспорт тартиботи қоидаларига риоя этишини мунтазам назорат қилиб бориб, яхши натижаларга эришди.

Суратда: лейтенант Ш. Раҳмонов бир гуруҳ фаоллар билан. Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

Баркамол авлод йилида мамлакатимизда келажак авлодни ҳар томонлама етук ва жисмонан соғлом қилиб вояга етказишга алоҳида эътибор берилаяпти. Ўз навбатида уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, билим олиши ва касб-ҳунар ўрганиши учун етарли шароит яратиш, йўлларда ҳаракатланишини назорат қилиш борасида талайгина чора-тадбирлар белгиланаяпти. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ўқувчиларнинг ёзги таътили даврида улар ҳордиқ чиқараётган оромгоҳлар, соғломлаштириш масканларига ташриф буюриб, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришди. Бундан ташқари, «Йўл ҳаракати қоидалари» бўйича сўхбатлар,

ти назоратини кучайтириш ҳамда йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир. Тадбир доирасида вилоят, шаҳар ва туманлар ИИБ ИХХБ масъул ходимлари мактабларда бўлиб ўтган «Биринчи кўнғирок» тантаналарида иштирок этиб, ўқитувчи ва ўқувчиларга «Йўл ҳаракати қоидалари» бўйича тушунча беришди. Болалар иштирокида ўтказилган профилактик сўхбатлар давомида эса ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги мисоллар орқали талқин этилди.

Шунингдек, мактаблар атрофидаги кўчалар ва йўллар ўрганиб чиқилиб, транспорт воситаларининг ҳаракати серкатнов бўлган чорраҳалар, болалар муассасалари ва мактаблар атрофида тегишли йўл белгилари ўрнатилди, пийдалар йўлаклари қайтадан таъмирланди.

Мактабларда машгулотлар бошлангани билан тугаши арафасида ИПХ инспекторларининг хизмати илм масканларига яқин жойлардаги чорраҳаларда ташкил этилиб, ўқитувчилар ва ёш автоназоратчилар отрядлари аъзоларининг навбатчилиги йўлга қўйилди.

Шунингдек, таъкидлаш лозимки, ўн кун мобайнида давом этаётган «Диққат, болалар!» тадбирига соҳа ходимларидан ташқари маҳалла фаоллари, ўқитувчилар ва кенг жамоатчилик вакиллари ҳам жалб этилган. Ушшоқлик билан олиб борилаётган ишлар натижасида эришилган ютуқлар ва мавжуд камчиликлар ҳар кунги таҳлил этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланаяпти.

Ўз муҳбиримиз.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМ ҲИМОЯДА

Фаргона вилояти ИИБда «Инсон ҳуқуқлари доим ҳимояда» мавзусида семинар-ўқув машғулот бўлиб ўтди. Унда вилоят ИИБ бошқарма ва бўлимлари шахсий таркиби иштирок этди. Вилоят ИИБ ИХХБ ва ЮТБ бошлиғи, майор Дилшоджон Матқоликов иштирокчиларга фуқароларнинг муҳофаза қилини билан ишлаш, ички ишлар идоралари раҳбарлари томонидан уларни қабул қилиш ва бу борада амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши тўғрисида батафсил маълумот берди. Шунингдек, фу-

қароларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлашда йўл қўйилаётган баъзи камчиликларга ҳам тўхталиб ўтди. Ўқув машғулотларида вилоят ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Р. Маматов, вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосарлари, подполковниклар И. Жабборов ва А. Фойибназаровлар иштирок этишиб, мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

О. БҮРИБОЕВ.

Фаргона вилояти.

очилиш маросимлари шодон кайфият билан ўтказилди. Ички ишлар ходимлари бу жойларда хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлашда сергаклик, ҳушёрлик кўрсатдилар.

Истиқлол айёми тадбирлари «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган эзгу ғоя асосида республикамиз пойтахти, вилоятлар, шаҳар, туман, қишлоқ, овул ва маҳаллаларда кенг миқёсда ўтказилди.

Белгиланган режага мувофиқ пойтахтимиз ва вилоятлар марказларида байрамолди ҳамда айём кунлари ички ишлар ходимларининг хизмати кучайтирилган тарзда ташкил этилди. Туну кун ҳаракатда бўлган автоэкипажлар шаҳарлардаги маданият масканлари, боғлар, сайлгоҳлар, гузарлар, аҳоли гавжум жойларда фуқароларимиз, меҳмонларнинг хотиржам дам олишини таъминлаш учун бор куч ва имкониятларни ишга солишди.

Айём кунлари йўл ҳаракати хавфсизлиги, профилактика, ёнгин хавфсизлиги, қўриқлаш ва бошқа хизматлар ҳамкорликда иш кўришди. Биринчи галда, тантаналар ўтказилган қошоналар, майдонлар, боғларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, ёнгинларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар ўтказилди.

Қўтлуғ байрам шукӯҳи республикамиз олий ўқув юртлири, коллежлар, ўрта мактабларда янги ўқув йили бошлангани билан давом этди. Билимлар кўни таълим муассасаларида жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнгин хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Ўртимизда байрамлар, қўтлуғ кунлар кўп. Осмонимиз доимо мусаффо бўлиб, халқимизнинг боши тўйдан, байрамлардан чиқмасин.

С.АБДУЛЛАЕВ ёзиб олди.

Умрингизга барака

ТАБАРРУК ЁШИНГИЗ МУБОРАК!

Истеъфодаги генерал-майор Шариф ота Ҳасанбоев табаррук тўқсон ёшга тўлди. У ўтган умридан беҳад хурсанд, халқ учун қилган хизматларидан рози, юртдошларининг унга кўрсатган меҳр-муҳаббатидан миннатдор.



– Болалигимда қўшнимиз касал бўлиб қолганди, – дея хотирлайди отахон. – У қорнини чангаллаб долларди. Болалик қилиб, қўриқиб уйга қочиб чиқиб кетгандим. Кейин уни шифокорлар машинада олиб кетишганини кўрдим. Орадан бир неча кунлар ўтиб у соппа-соғ уйга кириб келди. Ана шунда менда шифокор бўлиш орзуси уйғонди.

Шариф Ҳасанбоев бу орзусини ушлатириш мақсадида Тошкент давлат тиббиёт институтига ўқишга кириди. Аммо олий ўқув юртини тугатиш, шифокор бўлиш насиб этмади. Иккинчи жаҳон уруши арафасида ҳарбий кадрларни кўпайтириш мақсадида мамлакатдаги олий ўқув юртиларида таълим олаётган йигитлар ҳарбий билим юртига ўқишга жалб этилади. Унга Смоленск шаҳридаги пулемётчилар билим юртига йўланма берилди.

Газандалар собиқ иттифоқ ерларига бостириб кирганида Ш. Ҳасанбоев Белоруссияда хизмат қиларди. У урушнинг биринчи кунидан то охиригача иштирок этганлардан бири бўлди.

– Урушнинг азобу ўқубатлари киноларда тасвирланганидан ҳам баттар бўлган, – дейди отахон. – У кунлар ҳеч қачон қайтиб келмасин. Тинчлик, осойишталикнинг қадрига етиш керак.

Офицер Шариф Ҳасанбоевнинг урушдан кейинги фаолияти жуда кизгин кечди. Аввал армия сафида бўлди, кейин эса ички ишлар хизматида иш борибди. 1970 йилда Ўзбекистон Ички ишлар вазирининг ўринбосари этиб тайинланди. Раҳбарлик фаолиятида катта тажриба тўплаган генерал-майор Шариф Ҳасанбоев бор куч-қувватини ички ишлар идораларини етук кадрлар билан тўлдирди. Ёш ходимларнинг таълим ва тарбиясини ошириш масалаларини ҳал этишга бағишлайди.

– Шариф Рустамович табиатан камгап, мулоҳазали инсон, – дейди республика ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Ф. Раҳимов. – Кадрлар масаласига аиниқса, жиддий эътибор берарди. Ёш ходимларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйишни вилоят ИИБ раҳбарларидан қатъий талаб қиларди. У истеъфода чиққан жамоат ишларида фаол иштирок этди. Шонли ҳаёт йўли ёш авлод учун ибрат мактабидир.

Иккинчи жаҳон урушидан қайтиб келган Шариф Ҳасанбоевни кўргани келган қариялар:

– Жаҳаннам оғзидан омон қайтиб келдинг ўғлим, узок умр кўриб халқ қорига яраб, саксондан сакраб, тўқсон билан тўқнашиб юргин, – дея дуо қилишди.

Кексаларнинг дуоси ижобат бўлиб Шариф Ҳасанбоев узок умр кўраётганлар қаторида яшаб, айна кунларда ўзининг табаррук тўқсон ёшини қаршилади. Ота-хонга янада узок умр тилаймиз.

Садриддин ШАМСИДИНОВ.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги генерал-майор Шариф ота ҲАСАНБОЕВни табаррук тўқсон ёшга тўлгани билан самимий муҳаббат билан тўқнашди. Устоз отахонга сизат-саломатлик, яна кўп йиллар баркамол бўлиб, фарзандлари, шогирдлари, сафдошларининг даврасини тўлдириб юришини тилайдилар.

2010 йил – Баркамол авлод йили

ТАРБИЯ – ЭНГ ОЛИЙ МАҚСАД

Ўзбекистон мустақилликка эришган илк кунлардаёқ вояга етмаганлар ва ёшларни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, шурида Ватанга меҳр туйғусини шакллантириш, ўқиш ҳамда билим олишлари учун бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Бугунги кунда келажакимиз ворислари бўлган ёш авлоднинг соғлом, баркамол этиб вояга етказиш учун зарур бўлган барча шароитлар яратилган. Бинобарин, Баркамол авлод йилида ички ишлар ходимларидан ҳам бу борада кўп меҳнат ва куч-ғайрат талаб қилади.

Масъулиятли ишда Мирзаобод тумани ИИБ ҲООБ ВЕОҲООГ ходимлари ҳам тинмай изланиш олиб боришмоқда.

Туманда 3 та коллеж, 32 та мактаб, 2 та мактаб-интернати мавжуд бўлиб, ўн мингдан зиёд ёшлар таълим олади. Аҳолининг қарийб 20 минг нафарини вояга етмаган ёшлар ташкил қилади. Уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида туман ИИБ раҳбарияти ҳудуддаги коллеж, мактаб, мактаб-интернатларнинг мутасаддилари, тарбиячилари ва ўқитувчилари билан ҳуқуқий ва ижтимоий мавзуларда сўхбатлар олиб бориш билан бирга ВЕОҲООГ ходимларини ҳам ёшлар билан ишларини кўнгилдагидек шакллантиришга ундаяпти.

Ў. БҮРАНОВА, майор. Сирдарё вилояти.

Гурур

ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЮТУҚЛАРИ



Тадбир

Қашқадарё вилояти ИИБ ЖИЭБ тасарруфидоги подполковник Э. Раҳмонов бошқариб жазони ижро этиш муассасасида «Жаҳолатга қарши маърифат» мавзусида адабий-бадий мусиқавий савол-жавоб кечаси бўлиб ўтди. Жазо муддатини ўтаётган маҳкумлардан иборат қатнашчилар «Матнавийат» ҳамда «Баркамол авлод» гуруҳлари таркибида ўзаро куч синашдилар.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИ УЛУҒЛАБ...

Тадбирда сўнгги пайтларда жаҳон ахлини ташвишга солиб турган глобал муаммолар – гиёҳвандлик, терроризм ва одам савдосига оид саволларга жавоблар олинди. Бундан ташқари соҳибқирон Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Мирзо Улугбек, Баҳоуддин Нахшбанд каби улуг сиймолар ҳаёти ҳақида тўлақонли маълумотлар берилди.

Савол-жавоб кечасида огоҳликка қақирувчи, миллий истиқлол ғоясини улугловчи шеърлар, она-Ватан, муҳаббатни мадҳ этувчи кўшиқлар ижро этилди, саҳна кўринишлари намойиш қилинди.

Соҳибжамол АМИНОВА.

Яқинда Тошкент халқаро аэропортида Сингапурдан қайтган Олимпиада иштирокчиларини кенг жамоатчилик зўр шоду ҳуррамлик билан қутиб олишди. Карнай-сурнай садолари остида бошланиб кетган маросим катта қувонч, қайноқ табриклар, дил сўзларига уланиб кетди.

Миллий тўнларда музаффар олимпиячиларимиз давлатимиз байроғини баланд кўтариб кела бошлаганда, уларни қутиб олишга чиққан ота-оналар, яқинлар кўзларида севинч ёшлари, қалбларида гурур, ифтихор балқиди. Биринчи бўлиб Сингапур Олимпиадасининг юнон-рум кураши бўйича кумуш медали совриндори Нурбек Ҳаққулов байроғимизни сарбаланд кўтариб кириб келди. Олқишлар, табриклар, барча-барчаси спортчиларимизга аталди.

– Таъкидлаш жоизки, мана шундай улкан имкониятлар яратиб берилган юрт фарзанди эканлигимдан гурурланман, – дейди Нурбек Ҳаққулов. – Бу Президентимиз томонидан мамлакатимизда спортга берилаётган юксак даражадаги эътибор шарофатидир.

– Динамочиларимиз билдирилган ишончни оқлашди, – дейди республика «Динамо» ЖТСЖ ўқув-спорт бўлими бошлиғи, майор Б. Латипов. – Спортчиларимиз миллий терма жамоамизга олтига медал тақдим қилдилар. Ўйлаيمانки, улар кейинги нуфузли мусобақаларда бундан-да юксак натижалар қайд этишади.

Шубҳасиз, ҳамюртларимизнинг бу ютуғи мамлакатимизда спортни, баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омиллардан биридир.

Ф. АЗИЗОВ.

Юксак мукофот соҳиблари

ЭЛ ОРАСИДАГИ ИНСПЕКТОР

Осуда меҳнат барча гўзалликларни ўзида муҳасам қилади. Овул осойишталиги, оила хотиржамлиги элнинг фаровонлигини белгилайди. Аммо бунга эришиш ҳам осон иш эмас. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг иши деб ўйловчи, лоқайд кимсаларнинг учраб туриши масалага жиддий ёндашишни талаб қилади.

Нукус тумани Крантау овулидаги оилаларнинг бирида жанжал бошланди. Жарилқасим қўшни хонадондаги жанжални шитса-да, «Эр-хотиннинг орасига аҳмоқ тушади» деб, магнитофоннинг овозини баланд қўйиб, машинасини арта бошлади. Калтақдан юз-қўзи моматалоқ бўлиб кетган аёл жонхалатда қочиб, қўшнинг уйига кирди. Кайфи тароқ эр бундан даргазаб бўлиб, кетмонни олди-да ҳеч бир сабабсиз «Жигули»нинг ойналарини синдириб ташлади. Суриштирув чоғида Жарилқасим жабрланувчи сифатида ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб, қўшни ва маҳаллага тинчлик бермайдиган Колайсинга нисбатан тегишли чора кўришни сўради. Ҳақ-ҳуқуқимизни билганимиз яши албатта. Бироқ шу ноҳус ҳолат бўлмаслиги ҳам мумкин эди-ку. Ана шулар ҳудуд профилактика инспектори томонидан Жарилқасимга ҳаётини мисоллар билан аниқ ва равшан қилиб тушутирилганда лоқайдлик, бепарволикдан аввало ўзи жабр кўрганни тушуниб чуқур уф тортиди. Фақат ҳудуд профилактика инспектори аралашгандан кейингина оиладаги келишмовчилик ва жанжаллар сабаби аниқланиб, зарур чора-тадбирлар кўрилди. Бу оилада соғлом муҳит вужудга келиб, унда тарбия топаётган болаларнинг истижобли келажига мустақкам замин яратилди.

Катталарнинг болаларга бўлган бефарқлиги ва улар олдидаги ўз масъулиятларини чуқур ҳис қилмасликлари ҳам хунук оқибатларга олиб келади. Шолпанойнинг ўғли Амет коллежларнинг бирида бинойидек ўқиб, бўш вақтида

онасига ёрдамлашиб юрарди. Қўшниси Майрамбек эса одамларнинг молини боқиб, балиқ тутиб тирикчилик қиларди. У Шолпанойнинг қўлтиғини пуч ёнғоққа тўлдириб, ўғлини ўзига ёрдамчи

бек. Гарчи у молни сўйиб, гўштини яхшигина пуллаган бўлса-да, айёрлик қилиб, Аметнинг онасидан ҳам пул ундиришга ҳаракат қилди. Қўшнилари ўртасида келиб чиққан бу каби можаро ҳам профилактика инспектори аралашган ижобий ечим топди. Кўриниб турибдики, жойларда милиция таянч пунктларининг ташкил этилиши ва профилактика хизматининг кенг ислоҳ қилиниши қўтилган самараларни бермоқда.

Оқорида қайд этиб ўтилган овулнинг инфратузилмаси ис-

хар ИИБ патруль-пост хизматидан бошлаган ходим кейинчалик йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимида ҳам самарали фаолият кўрсатди. Нукус давлат педагогика институтини тугатган, зиммасига янада масъулиятли вазифалар юк-

ланди. Нукус тумани ИИБ ВЕОХООГ профилактика инспекторлигидан катта инспектор даражасига етган майор Полатбай Ерназаров ҳақида «Крантау» овул фуқаролар йиғини раиси Сўйиндик Абдумуратов, 10 ва 29-умумтаълим мактаб ди-



қилиб олди. Амет отаси тенги одам билан бирга мол боқиб, балиқ тутиб, тўнлари томларга чиқиб каптарларнинг бошини сапчадек узишни ўрганди. Ичиш, чекишни ҳам ўзлаштириб олган боланинг мурғак қалбидан меҳроқибат деган хислатлар чекиниб, улар ўрнини бағритошлик, қаҳр-ғазаб жой олди. Молларни кўрага қамаш вақтида катта қора хўкис тижирлик қилиб, тахта дарвозанинг кесакисини жойидан чиқариб юборди. Даргазаб бўлган Амет темир қозикни хўкиснинг бўйнига санчди. Мол ерга кулади.

– Нима қилиб қўйдинг, ахир бу менинг молим-ку, – бақириб йиғлаб юборди Майрам-

тиқлов йилларида янада шаклланди. Бунда шу ҳудудга масъул Нукус тумани ИИБ ВЕОХООБ профилактика катта инспектори, майор Полатбай Ерназаровнинг хизматларини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим. Профилактик тадбирларни масъулият билан олиб бориши, овул оқсоқоллари ва кенг жамоатчилик қилан мустақкам ҳамкорлик қилиши натижасида ўтган икки йил давомида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик сезиларли камайди. Шу билан бирга маҳалла-қўйда, овулларда ўтказилган тўй ва маросимларни ихчам ва камҳаражат бўлишини таъминлашда муносиб ҳисса қўйди.

Илк фаолиятини Нукус ша-

ректорлари Пурханитдин Хожанов ва Токтарбай Анналепесовлар ҳам илқ фикр билдиришди. Халқ қалбидан жой олиш инспекторга билдирилган юксак ишонч намунасидир. Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллик байрами арафасида Президентимиз фармонида кўра, Полатбай Ерназаровнинг «Шўхрат» медал билан мукофотланиши фидойи ходимнинг намунави хизматига берилган муносиб баҳолидир.

Дурдибой Худойшукуров.
Суратда: «Шўхрат» медал соҳиб, майор Полатбай Ерназаров овул фаоллари билан суҳбатлашмоқда.
Муаллиф олган сурат.

Профилактика хизмати

Саримой кўргонининг Тупроққалъа қишлоғи Хоразм вилоятининг шарқий қисмида жойлашган. Тўрт томони бепоев кум барханлари билан ўралган бу ҳудудда тўрт мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Туркман, қозок, қорақалпоқ, татар, рус, украин каби ўнга яқин миллат вакилларидан иборат бўлган меҳнатсевар инсонлар бир оила фарзандларидек тинч-тотув ҳаёт кечиришмоқда.

Бу ерда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Турли ишлаб чиқариш корхоналари, ошхона, новвойхона, сартарошхона каби кўплаб маданий-маиший масканлар аҳоли хизматида. Тўртта умумтаълим мактаби ҳамда битта касб-хунар коллежи мавжуд.

Айни пайтда қишлоқ осойишталигини таъминлаш профилактика инспектори, майор Рашидбек Жумабоев зиммасига. ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабини муваффақиятли тамомлаган Рашидбек тўрт йил Питнак шаҳар милиция бўлими ЁХБ инспектори вазифасида хизмат қилди. У ўзига бириктирилган ҳудудда доимий равишда профилактик тадбирлар олиб борагани сабабли ёнгин ҳолати қайд этилмади. Бўлим раҳбарияти ўз вазифасига сидқидилдан ёндашаётган Рашидбек Жумабоевга юксак ишонч билдириб, воёга етмаганлар билан ишлаш гуруҳи катта инспектори вазифасига тайинлади. У ўсириллар ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг жиноят кўчасига кириб қолишининг олдини олишда самарали хизмат қилди. Айниқса, ўқув муассасаларида ўтказилган учрашувлар, давра суҳбатлари болаларда катта таассурот қолдириди.

Орадан икки йил ўтгач, Рашидбек Жумабоевни Питнак шаҳридаги 196-милиция таянч пункти профилактика инспектори вазифасига ўтказишди. Мазкур ҳудудда жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликлар бир мунча ошганлиги сабабли раҳбарият шундай қарорга келганди. Рашидбек ўзига билдирилган ишончни оқлаш учун ишга жиддий киришди.

У милиция таянч пунктига кираркан, дастлабки ишни меъёрий ҳужжатларни синчиқлаб ўрганиб чиқишдан бошлади. Кейин маҳалла фуқаролар йиғини раиси Юсуфбой ака Оллабергенов ҳамроҳлигида фаоллар билан яқиндан танишди. Ҳудуддаги хонадонларга кириб, фу-

тижасида ўғирликни Мирза исмли йиғит қилаётгани аниқланди. Зудлик билан уни қўлга олиш чора-тадбирлари кўрилди. Аммо айёрликда устаси фаранг бўлиб кетган бу шахс осонликча тутқич бермасди. Ана шундай кунларнинг бирида у Камол исмли дўстиникига бориши ҳақида хабар олди. Ҳамкасбим, профилактика инспектори, лейтенант Санжарбек Матёқубов билан Камолнинг уйига борди. Аммо у Мирзани танимаслигини айтиди. Хонадон соҳибидан шубҳаланиб, Мирзанинг келишини кута бошлади. Тун ярмидан оққанда ҳам уйга ҳеч ким келмади. Энди умидимизни узганимизда тўсатдан эшик

қишлоқ фуқаролар йиғини раиси билан танишгандан сўнг фикри ўзгарди.

– Бирга ишлаймиз, – деди раис, собик профилактика инспектори, истеъфодаги майор Раззоқ ака Полвонов. – Ҳаммаси жойида бўлади.

Рашидбекнинг яна омади келди. Чунки ёнида халқ ишонган оқсоқол-ҳамкасби бор. У Раззоқ ака Полвонов, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори Худойшукур Жуманазаров, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Гулсара Йўлдошеввалар билан ҳамжиҳатликда иш бошлади. Аввало, ҳудуддаги Хонқа, Хива, Ҳазорасп, Гурлан маҳаллалари аҳолиси, тўртта мактаб ва битта маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи жамоалари билан яқиндан танишиб чиқди. Ҳудуддаги 780 та хонадонда 4 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Рашидбек ҳеч нимадан чўчимаи ишга дадиллик билан киришди. Жамоатчи кўмакчилари сонини кўпайтирди. Яхши кунларида ҳам таъминлаш давларида ҳам улар билан бирга бўлди. Бундай ҳамкорлик тўфайли жорий йилнинг олти ойи ижобий яқунланди.

– Маҳаллалар бир-бирдан анча узоқда жойлашган. Бу тинчлик ва осойишталиқни таъминлашда қўйинчилик тўдирмайдими? – сўрайди профилактика инспектори, майор Рашидбек Жумабоевдан.

– Ҳар бир масканда сайёр тадбирлар олиб бориш учун хизмат хоналари ташкил қилганмиз. Бу маҳалла фаоллари билан белгиланган режа асосида иш қиришимизда қўл келмоқда. Қолаверса, ҳар бир маҳаллада ташкил этилган тунги навбатчилик гуруҳлари хўшёрлик қилишапти. Натижада кўрган ҳудудда осойишталиқни таъминлашга эришаемиз.

Ҳамкорлик бор жойда иш ҳам самарали бўлади. Бунга Тупроққалъа кўргонига қилган хизмат сафаримиз чоғида яна бир бор амин бўлди.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Постда» мухбири.

БАРХАНЛАР ҚЎЙНИДАГИ ОСОЙИШТА ҚЎРҒОН

қаролар ҳақида маълумотлар тўплади. Муқаддам судланганлар, профилактик хисобда турган шахслар, воёга етмаганлар, оилавий жанжалкашлар, гиёҳвандлар, спиртли ичимликка ружу қўйганлар, фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналарни рўйхатга олди. Шундан сўнг у белгиланган режага кўра жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда профилактик тадбирлар ўтказишга бошлади. Тунги навбатчилик гуруҳи аъзолари фаолиятини қайта кўриб чиқиб, унга тажрибали, меҳнатсевар ёшларни жалб қилди.

– Тинмай ишлашимизга қарамай бир неча дўконда ўғирлик жинояти содир бўлди, – дейди Рашидбек Жумабоев. – Ўғри доим ичкарига дўкон деворини тешиб киради, у ердаги нарсаларни олиб, кўздан гойиб бўлади. Аҳоли ўртасида ўтказилган тезкор тадбирлар на-

тақиллаб қолди. Камол билан бирга эшик томон юрди ва ўзимни пангага олиб «эшикни оч» дегандай ишора қилдим. У эшикни очди. Ҳеч нимадан беҳабар Мирза ўғирлаган буюмларини кўтарганча ичкарига кирди. Шу заҳотиёқ унинг қўлига қишан солдик. Ашъёвий далиллар олдида сири фош бўлган Мирза шу кунни ноилоҳ ўз айбига икром бўлиб, содир этган жинояти тафсилотларини гапириб берди.

Ўтган йилдан бошлаб майор Рашидбек Жумабоев Саримой кўргонидagi 200-милиция таянч пункти профилактика инспектори вазифасида фаолият кўрсатмоқда. Кум барханлари билан ўралган хизмат жойига яқинлашган Рашидбек биридан анча узоқда жойлашган тўртта аҳоли пункти ҳамда бепоев дашту-чулларга қараб, эплолармикимман, деган хаёлга борди. Аммо кўрғон ҳудудига бориб,

ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ ОЙЛИГИ

Мустақиллигимизнинг 19 йиллигини кўтаринки руҳда кутиб олиш мақсадида Фарғона вилояти ИИБ бошлиғининг фармойишига кўра вилоятда милиция таянч пунктлари ойлиги ўтказилди. Жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб борилаётган профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш, милиция таянч пунктларида хизмат учун етарли шарт-шароит яратиш, мавжуд инфратузилмани янада шакллантириш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбир давомида талайгина ишлар амалга оширилди.

Биргина Маргилон шаҳрининг Байналмидал маҳалласидаги милиция таянч пункти қайта қурилди. Ҳозир бу ерда профилактика инспектори, капитан Аъзамжон Холмирзаев ва ВЕОХООБ инспектори, лейтенант Рустамжон Насриддиновлар хизмат олиб боришапти. Байрам арафасида

шунингдек, Косибчилик, Йўрмадўз, Тошкесар, Ипакчи, Бобур номи маҳаллалар фуқаролар йиғинлари ҳудуддаги милиция таянч пунктлари таъмирланиб, жиҳозланди.

Маргилон хизмат кўрсатиш ва сервис қоллежига қарашли бўлган бино шаҳар ҳокимининг қарорига биноан «Тоғлиқ» маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатувчи милиция таянч пункти ихтиёрига ўтказилди. Бу ерда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилиб, 10 та хонадан иборат мазкур маскан атрофида спорт майдончалари, кичик бизнес шохобчалари, турли хунармандчилик тўғралаклари фаолият кўрсата бошлади.

Бўрибой ОМОНЗОДА,
подполковник.



Суратда: капитан А. Холмирзаев лейтенант Р. Насриддинов ва фуқаролар йиғини раиси М. Қаримов билан суҳбатлашяпти.
Муаллиф олган сурат.

Семинар

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК – МУҲИМ ИМИЛ

Сурхондарё вилояти «Истикболли авлод» марказида вилоят ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими билан биргаликда «Одам савдосига қарши курашда ижтимоий ҳамкорликнинг аҳамияти» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят филиали ходимлари, Адвокатлар палатаси адвокатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда ички ишлар идораларида одам савдосига қарши курашиш бўйича олиб борилаётган профилактик-огоҳлантирув ишларини ташкил этишни янада жадаллаштириш, жабрланганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, республика ҳудудидан ташқарига чиқаётган меҳнат мигрантлари билан ўтказиладиган консултив сўхбатларнинг самарадорлигини ошириш ва бу жиноятни содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ўстиришда давлат ва жамоатчилик ташкилотлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигини кучайтириш каби муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг ижроси, ушбу қонун доирасида одам савдосига қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган профилактик, ахборот-тартибот ва маърифий тадбирларнинг самарали йўллари, мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш чоралари атрофида муҳофиза қилинди.

Б. МҮМИНОВ,
майор.

Паспорт тартиботи – ҳаёт зарурати

Маълумки паспорт тартиботини мустақамлаш фуқароларнинг масъулияти, амалдаги қонун-қоидаларга ҳурматини оширади. Тинчлик ва осойишталиқни таъминлашда ҳам бу асосий омилдир. Буни чуқур ҳис қилган ҳолда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Кармана тумани ИИБ паспорт бўлимининг ходимлари фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кенг қўламли «Паспорт-виза», «Спитамен» каби профилактик тадбирларда иштирок этишди.

– Тадбирлар натижасида рўйхатдан ўтмасдан ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан яшаётган, паспорт тартиботи билан боғлиқ бўлган бошқа ҳуқуқбузарликлар қайд этилди, – дейди туман ИИБ паспорт бўлимининг бошлиғи, лейтенант Учқун Аҳадов. – Аниқланган ҳолатлар белгиланган тартибда ҳужжатлаштирилиб, қонуний чоралар кўрилди. Бунинг натижасида 400 нафардан ортиқ фуқародан 13 миллион 684 минг сўмдан ортиқ жарима ундирилди. Қондабузарлардан 128 нафарининг оилавий шароити инобатга олинди, расмий равишда огоҳлантирилди.

Ўтказилган тадбирлар давомида бир нафар Қирғизистон

МАСЪУЛИЯТ ОШМОҚДА



Суратда: лейтенант Учқун Аҳадов фуқарога паспорт бераётган пайт.

Республикаси фуқароси, бир нафар Қозоғистон Республикаси фуқароси, ўттиз нафар Россия Федерацияси ҳамда икки нафар Украина Республикаси фуқароси мамлакатимизга келиш, бу ерда бўлиш паспорт бўлимининг учун юртимиз ҳудудидан чиқариб юборилди.

Бундан ташқари, йил давомида бошқа МДХ давлатларидан меҳмонга ва хизмат сафарига келган 80 нафар фуқаро вақтинча рўйхатдан ўтказилди. 11 нафарининг эса вақтинча рўйхати узайтирилди. Туман ҳудудда доимий яшаётган юз нафардан ортиқ чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг рўйхати тузилиб, профила-

тика инспекторларига тарқатилди. Уларнинг барчаси янаш жойларида текширилиб, далолатномалар тузилди.

Хизмат томонидан жорий йилнинг шу даврига қадар 4679 кишига фуқаролик паспорти берилди. Шундан 1750 нафарини ёшлар ташкил қилди. Бу йил бежиз Президентимиз томонидан Баркамол авлод йили деб номлангани. Зеро, бизнинг келажигимиз уларнинг қўлида. Қолаверса, ёшлар Ўзбекистон Республикасига муносиб фуқаро бўлишга, бутун куч ва иқтидорини Ватан равиқли йўлида сарфлашга бурчиллидир.

Мирзо АҲАД,
Навоий вилояти.

Маърифат дарси

ИЛМ ВА ТАФАККУР - ФАЙЗУ БАРАКА КАМИТИ

Курраи заминда одамзод пайдо бўлибдики, дунё сир-синоатларини ўрганишга, турли табиат, само ҳодисаларининг ечимларини топиш йўлида тинмай изланган. Башарият кашф этган гилдирак, олов ҳосил қилиш, ёзув, турли алифболар ихтиро қилиниши, металлларга ишлов бериш усуллари, буг ва ички ёнув двигателлари, электр, атом, электроника, компьютерлар одамлар оғирини энгил қилиб келмоқда. Бу кашфиётлар хизматидан ер юзидаги барча миллат вакиллари бирдай фойдаланмоқда.

«Илм» арабча сўз бўлиб ўзбек тилидаги маъноси: ўқиш, ўрганиш ҳамда ҳаётий тажриба асосида орттирилган билим ва малакалар асосида бирор нарсанинг моҳиятини билиш, очишидир. Тафаккур инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли, объектив воқеликнинг онгда акс этиш жараёнидир. Тафаккур атроф-муҳитни, ижтимоий ҳодисаларни, воқеликни билиш қуроли, шунингдек, инсон фаолиятини амалга оширишнинг асосий шартин ҳисобланади. Ижодий ишлар, кашфиётлар, ихтиролар, тақлифлар тафаккурнинг маҳсули ҳисобланади.

Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги «Деди: Ҳар ишки қилмиш одамизод, Тафаккур бирла билмиш одамизод», - деган сатрлари инсон тафаккурининг нақадар улуғлиги ва чекизлигини англатса, «Садди Искандарий» достонидаги «Бировким, анинг кимёдур фани, Ани деса бўлмай эл ичра ганий», - байтда илм билан шугулланган эл ичидаги маънавий бой киши бўлишига эътибор қаратгани бежиз эмас.

Илм-фани эгаллаш ва тарғиб қилиш қадимги замонларда бошланган. Қадимги Юнонистонда Сократ (Сукрат), Платон (Афлотун), Аристотель (Арасту) сингари файласуфлар, Хитойда Конфуций, Урта Осиёда Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби алломалар фаннинг улкан аҳамиятини эътироф этиб, кенг тарғиб қилганлар.

Мухаммад ибн Муслик ал-Хоразмий ҳозирги ўллик санок системасининг илмий асосларини кашф этиб, ҳисоблаш алгоритми қондаларини фанга киритган. Бундан ташқари, квадрат тенгла-

лар классификациясини ишлаб чиққан. Илм-фан ва олимлар тўғрисида «Алжабр ва алмуқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб» асарида «... Олимлардан бири ўзидан аввалгилар қилган ишларни амалга оширишда бошқалардан ўзиб кетади ва уни ўзидан кейин келувчиларга мерос қилиб қолдиради», деб ёзган эди.

Абу Райҳон Беруний ўз даврида глобус ясаб Америка материги мавжудлигини баҳорат қилган. У «Ҳиндистон» асарида «...Илмлар кўпдир. Улар замони икболли бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб бурса, кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳлларини ҳурматлаш уша икболнинг белгисидир», «... Билим қайтариш ва такрорлаш мевасидир», - деб эътироф этади.

Абу Али ибн Синонинг ўз тилидан ёзиб олинган таржимаи ҳолида Аристотелнинг «Метафизика» китобини қирқ марта ўқиб ёд бўлиб кетса-да, тушунмаганини эътироф этади. Бир кун китобфурушларнинг биридан Абу Наср Форобийнинг «Метафизика» китобига ёзган шарҳини сотиб олиб бир марта ўқигандаёқ мақсадини тушуниб олгани баён қилинган. Ибн Сино илмнинг чекизлигини бир рубойида шундай таърифлайди:

Ҳеч бир гап қолмади маълум бўлмаган, Жуда оз сир қолди мавҳум бўлмаган. Билимим ҳақида чуқур ўйласам, Билдимки ҳеч нарса маълум бўлмаган.

Мирзо Улуғбек нафақат олим, подшоҳ, ўз даврида академия яратган маърифатпарвар сифатида тарихда из қолдирган. Академияда фаолият кўрсатган Жамшид Қоший ўзининг «Мифтоҳул ҳисоб» асарида биринчи бўлиб ўнлик қасри кашф этиб, амал-

лар бажаришнинг қондаларини ишлаб чиқиб, математик ҳисоблашларни осонлаштирди. Улуғбекнинг Бухородаги мадраса пештоқиға ёздирган «Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздор» ҳадиснинг мазмун-моҳияти ҳам илмнинг нақадар улуғлигидан далолат беради.

Ўзбек маърифатпарварларидан Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида «... Илм инсон учун гоят олий ва муқаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз ахлоқимизни, ҳаракотимизни ойна каби кўрсатур. Савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан айуриб берур. Тўғри йўлга раҳномлик қилуб, дунё ва охиратда маъсуд бўлишимизга сабаб бўлур. Илмсиз инсон мевасиз дарахат кабудур... илмнинг фойдаси шу қадар кўпдурки, таъриф қилган бирлан адо қилмак мумкин эмасдур. Бизларни жаҳолат қоронғулигидан қутқарар. Маданият, инсоният, маърифат дунёсига



бўлади, жаҳон тарихий тараққиётининг энг охири сафарларида қолиб кетаверади, деб қуюнади. Беҳбудий халқдан маблағ йиғиб, ўқишга, илмга, рағбати бўлган, аммо ота-онасининг қурби етмайдиган Туркистон ёшларини чет эл дорилфурунларига юбориб, ўқиттириб, миллатнинг ривожини ва истиқболи учун зарур



чиқарур, ёмон феъллардан, бузуғ ишлардан қайтарур яхши хулқ ва одоб соҳиб қилур...».

Миллат фидойиси бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий: «Илмсизлик, маданий-маърифий қолоқлик, саводсизлик, хурофот, бидъат таъсирида бўлиш миллатнинг кўзини юмиб, қулонгини қар этиб, оёқ-қўлини боғлаб қўювчи кишан, офатдир», дейди. Бундай аҳволда бўлган халқ ва миллатнинг бахти доимо қаро

бўлган муҳандис ва муаллимларга, Европа бозорларида савдототик қиладиган, хорижийлар тилини биладиган кадрларга эга бўлишга даъват этади.

XVIII-XIX асрларда саноатда туб ўзгаришлар юз бериши туфайли фаннинг тараққиётида янги босқич бошланади. Бугунги кунда иқтидорли талабалири Ж. Уатт, китоб бошичи И. Гутенберг, электр генераторини М. Фарадей, ички ёнув двигателини Г. Даймлер, К. Бенц деган олимлар кашф этган

бўлсалар-да, сайёрамаиздаги барча миллат вакиллари улардан фойдаланмоқда.

Фан инсоният тамаддунига катта ҳисса қўша-да, мафкура-лар зиддияти туфайли маълум маънода XIX-XX асрларда икки қарама-қарши кўтбга, яъни бунёдкорлик ва вайронкорликка хизмат қила бошлади. Бошқача айтганда, фан ютуғи хомашэ - пўлатдан инсон олий фикрларини ёзувда ифодалайдиган перо ҳам, инсонни ўлдирадиган қуроллар ҳам ясашга асос бўлиб қолди.

Халқ ва миллат дунёқарашини шакллантириш, таълим-тарбия, ахлоқ меъёрларини вужудга келтириш, маънавий баркамол инсонни тарбиялашда фан алоҳида ўрин тутмоқда. Мустақиллик ўзбекистонда фаннинг ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва

этгани бугунги кунда ҳаётда ўз тасдиғини топтоқда.

1997 йилда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Ўтган давр мобайнида бу ва бошқа ҳужжатлар асосида бунёд этилган замонавий мактаблар, академик лицей, касб-хунар коллежлари, университет ва институтларда республикамиз ёшлари илм олмақда. «Таълим тўғрисида»-ги Қонуннинг 4-моддасида «Жинси, тили, ёши, ирқи, миллий мансублиги, этники, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади...» - деб белгиланган. Ўқуқролар, айниқса, ёшларнинг илм олишлари учун барча имкониятлар яратилганидан далолат беради.

Кадрлар тайёрлаш тизимида фаннинг вазифалари: табиат ва жомоат тараққиёти қонунлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлар шаклланади, керакли илмий натижалар жамланади; олий малакали илмий ходимлар ва педагоглар тайёрлаш амалга оширилади; илмий-тадқиқот жиҳатидан инфраструктура вужудга келтирилади, ахборот базаси шакллантирилади; мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграцияси содир бўлади, замонавий илм-фан технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун илмий ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашув амалга оширилади, - деб белгиланган.

Бугунги кунда иқтидорли талаба ва аспирантларга Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси, талабаларга Алишер Навоий, Беруний, ибн Сино, Мирзо Улуғбек номидаги давлат стипендиялари жорий этилиб, амалий ифодасини тоғани учун фанда инновацион технологиялар ривожланиб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Иқтидорли ёшлар халқаро лойиҳалар ва республика тараққиётига оид муаммоларга оид илмий-тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқишда ўз илмий салоҳиятларини кўрсатишлариға кенг имконият яратилди. Республикамаиздаги умумий

ўрта таълим мактабларида ўқиш ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, туркман, қозоқ, қирғиз тилларида олиб борилаётгани миллатлараро тотувликка асосланган. Хорижий тилларни ўрганишга катта аҳамият берилмаётган. Ўзбекистондаги университет ва институтлар билан бир қаторда ривожланган мамлакатларнинг ўнга яқин нуфузли университетлари ва институтлар филиалларининг фаолият олиб бораётгани ёшларга замонавий илмларни ўрганиш учун шарт-шароитлар яратилганининг далилидир.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида таълим соҳасида моддий-техника базанинг шакллантирилиши ва ундан самарали фойдаланишнинг таъминлаши, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларда талаб қилинган мутахассисларни тайёрлашда, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-усулвий адабиётларни янада такомиллаштиряпти. Таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш орқали таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базаси мустаҳкамланиб, мамлакатимиз мактабларида, касб-хунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юрталарида ўқитиш сифати тубдан яхшиланиб бормоқда. Ёшларни, энг аввало, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларининг битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятиға кенг жалб этиш ва бошқа долзарб масалалар ҳаётда ижросини топаётгани маърифат, илм-фанга давлат томонидан эътиборнинг юқори даражада бўлаётганидандир.

Юртимизда тинчликни буюк неъмат билиб, фуқаролар, айниқса, ёшлар илмий, маърифати, мустақил фикрга эга бўлиб, илм-фан йўлида эркин ижод қилишлари фазл-барока киритади. Булар эса ўз навбатида четдан килриб келадиған турли экстрастик марказлар, ақиданарастларнинг давлатлари, даст савилия «оммавий маданият» иллатларининг зарарли таъсирлари, таҳдидлари, турли маънавий тажовуллар ўз таъсирини ўтказма олимаслигини таъминлайди.

Ақрам АКМАЛОВ, педагогика фанлари номзоди, доцент.

Ижтимоий-сиёсий сабоқ

МУСТАҚИЛЛИК - ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР КАФОЛАТИ

Мустақиллик - халқимизнинг асрий орзуси. Ўзбекистон халқи кўп йиллар мустақилликни исқанжасида яшаб, мустақиллик олий неъмат эканлигини яхши ангаган. Давлатчиликнинг 3,5 минг йиллик тарихига назар ташланса, Ўзбекистон тарихи мустақиллик учун кураш тарихи эканлиги аён бўлади. Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Нажмиддин Кубро, Темур Малик, Жалолдин Манғуберди, Амир Темур каби ватандошларимиз мустақиллик учун курашда қаҳрамонлик ва мардлик намунасини кўрсатганлар. Халқимизнинг тарихий хотираси бор экан, мустақиллик учун курашиш, доимо ҳушёр бўлиш, огоҳлики бир зум бўлса-да, бой бермаслик, ичимиздан сотқинлар чиқишиға йўл қўймайлик тарихий сабоқ бўлиб қолади. Юртбошимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Тарихий хотирасиз - келажак йўқ».

1990 йилда «Мустақиллик декларацияси», 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»-ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши - Ўзбекистон халқига ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини берди. Эркин жамиятнинг эркин фуқароларига айланди. Мустақиллик - бу ривожланиш имконияти ва масъулият демандир. Уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун ривожлантириш талаб этилади. Шу боис давлатимиз илмий ва ҳуқуқий асосланган ижтимоий тараққиёт йўлини ишлаб чиқиб, ривожланиш йўлидан бормоқда. Ушбу тараққиёт йўли Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» (1992 й.), «Ўзбекистон келажиги - буюк давлат» (1992 й.), «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишни ўзига хос йўли» (1992 й.) асарларида аниқ ифода этилган.

Ҳозирда Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли жажон ҳамжамияти томонидан «Ўзбек модели» номи билан аталмоқда. Бунга сабаб ўзбек тараққиёт йўлининг хорижий мамлакатлар томонидан ўрганилаётгани ва ҳаётга жорий этилаётганидир. Жаҳонда содир бўлаётган молиявий-иқтисодий инқироз, сиёсий бекарорлик, рангли инқилоблар ушбу моделнинг нақадар ҳаётий эканлигини исботлапти. Ўзбекистон зиддиятли, геосиёсий манфаатлар тўқнашаётган, мафкуравий полигонлар авж олаётган бир даврда ривожланмоқда. Бу эса «Ўзбек модели» жаҳон ҳамжамияти тажрибасида тасдиғини топган-

лигини ва бу билан халқимиз фахрланишиға тўла ҳақлидир. «Ўзбек модели» тушунчаси дунёнинг ижтимоий-сиёсий йўлига хорижий олимлар (Л. Левитин, Д. Карлайл, М. Касаев, А. Гаффарли) ва бошқалар) томонидан киритилган. Ушбу тушунча инглиз, рус, немис, француз, араб, япон, хитой каби дунёнинг етакчи тилларида ишлатилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг барча асарлари хорижий тилларда нашр қилиниб, кенг ўрганилмоқда. Илмий ва публицистик адабиётларда «Ўзбек модели»ға синоним сифатида «Ўзбек кашфиёти», «Ўзбек ижтимоий тараққиёт йўли», «Ўзбекистон миллий тараққиёт концепцияси», «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» тушунчалари ишлатилади. Бу эса жаҳон ҳамжамиятининг «Ўзбек модели»ға янада қизиқиши ортиб бораётганидан далолатдир.

Бироқ «Ўзбек модели» қотиб қолган таълимот эмас, аксинча, у ижтимоий тараққиёт қонунларига асосланган ва ушбу қонунлар асосида ўзгариб, ривожланиб борувчи таълимотдир. Бу моделнинг мазмунини ташкил этувчи беш тамойил ижтимоий тараққиёт қонунларини ифодалайди. Уларнинг ҳар бири жаҳон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий тажрибасини илмий тадқиқ этиш асосида ишлаб чиқилган. Уларға қисқача тўхталамиз.

Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги. Тоталитар тузум амалиётда сиёсатта устуворлик берилиб, иқтисодий қонунлар инкор этилди. Натижада режали иқтисодиёт инқирозға юз тутди. Иқтисодиётнинг сиё-

сатдан устуворлиги тамойили иқтисод ва сиёсат ўртасидаги ўзаро алоқдорликни эътироф этиб, сиёсатнинг иқтисодий қонунлар асосида амалга оширилишини англалади.

Давлат - бош ислохотчи. Классик либерализм, неоллиберализмдан фарқли ўлароқ, давлатнинг бош ислохотчи ролини инкор этади. «Шок терапияси» номини олган иқтисодий дастур (Нобель мукофоти лауреатлари - Сак, Бальцерович томонидан ишлаб чиқилган) давлатнинг бош ислохотчи ролини инкор этади. Натижада шок терапиясини қабул қилган айрим давлатларда сиёсий-иқтисодий инқирозлар кўчиди ва ундан улар ваз кечисиға мажбур бўлишди. 2008 йилда АҚШда бошланган молиявий-иқтисодий инқироз, Россиядаги «ваучер» билан боғлиқ жиноятлар ҳам дав-

латнинг ислохотлар жараёнидаги ролиға етарли эътибор берилмаганлиги натижасидир. Эсланг: Ўзбекистон «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» гоёсига амал қилиб, давлат бошқарувини янгилаш ва мамлакатини модернизациялаштириш йўлидан бормоқда. Давлатнинг суверен ҳуқуқлари сақланган ҳолда унинг айрим ваколатлари фуқаролик институтлариға ўтказилмоқда. Бу эса «инсон-жамият-давлат» ўртасидаги муносабатлар демократлашиб бораётганини англалади.

Кучли ижтимоий сиёсат. Ижтимоий муҳофазаға қолдиқ принципи нуктаи назардан ёндашган классик либерализм XX асрда урта - 1917 йилги инқилоб, 1933 йилда фашизмнинг ҳокимият тепасига келиши ва саксоничи йиллардаги сиёсий-иқтисодий инқирозлар билан бошдан кечирди. Ўзбекистон «Ислохот ислохот учун эмас, инсон учун» гоёсига асосланган кучли ижтимоий сиёсат йўлини танлади. Иқтисодий, сиёсий-ижтимоий ислохотларнинг уйғунлигини таъминлаш зарурийи эътироф этилди. Шу боис юртимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурмоқда.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш. Табиат ва жамиятда ҳар бир нарса макон ва замонада мавжуддир. Эволюция бу қонунларға асосланган ҳаракат бўлса, инқилоб

- ижтимоий тараққиёт қонуниятиға қарши қаратилган ҳаракатдир. Шу боисдан тарихда содир этилган инқилоблар - қаерда, қимлар томонидан, қандай максалларда амалга оширилганидан қатъи назар - инқирозға юз тутиб, ривожланишнинг бир неча йиллар орта ташланишиға сабабчи бўлган. Ўзбекистонда «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма» гоёсига асосланган эволюцион йўл ҳаётга татбиқ этилмоқда. Босқичма-босқич амалга оширилаётган демократик ислохотлар заминда эволюцион қонуният, яъни яратувчанлик ётибди.

Қонун устуворлиги. Инсоният тарихидан маълумки, жамият матриархат, патриархат, шах, озчиликнинг қўпчиликнинг устидан ҳукронлиги ёки қўпчиликнинг озчиликнинг устидан ҳукронлиги асосида бошқарилади, лекин зўриқка асосланган ҳеч бир бошқарув тизими ўзини оқламади. XVIII асрнинг охири XIX аср бошларида демократик бошқарув тизими жорий этила бошланди (Англия, АҚШ ва бошқалар). Ҳозирға келиб ер юзидаги 200 дан ортиқ давлатларнинг 80 дан зиёдада демократик бошқарув тизими амал қилмоқда. Дунёнинг энг ривожланган «етилик»қа кирувчи давлатларида ҳам демократик бошқарув тизими амал қилади. Бу демократик бошқарув тизимининг афзаллигини англади. Ўзбекистон ҳам ана шу демократик давлатлар қаторидадир.

Қонун диктатурасининг ҳам ўзига хос камчилиги бор. Қонун диктатураси, ҳукронлиги - ахлоқни, маънавиятнинг заифлаштириши мумкин. Ҳозирги Фарбий Европа мамлакатларидаги оила экологияси, бир жинсли никоҳ ва бошқалар бунга мисолдир. Ўзбек моделида «қонун устуворлиги» қонун ахлоқ ва маънавият измида бўлишини талаб этади. Қонун чиқарувчи органлар ишлаб чиқётган қонунлар табиат ва жамият қонунлари билан уйғунлиққа бўлиб, инсонға хизмат қилиши талаб этилади. Қонунлар сифати уларнинг инсон ва унинг манфаатлариға нечоғлиқ хизмат қилиши билан белгиланади. Шу боис Ўзбекистонда ҳудудий вакиллик органи бўлган Сенат, доимий асосда ишлайдиган Қонунчилик палаталаридан иборат парламент - Олий Мажлис ташкил этилди. Қонунчилик пала-

тасидаги 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатиға берилди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов 2010 йил 27 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлисидаги маърузасида қонунларнинг сифатини оширишға алоҳида эътибор қаратиб, депутатларни қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базадаги қамчилик ва нуқсонларға имкон қадар тезроқ барҳам беришға чақирди. Бу депутат ва олимларимиз олдида турган масъулиятли вазифадир.

Хуллас, мустақиллигимизнинг тараққиётиға назар ташлар эканмиз, «Ўзбек модели»нинг ривожланиш тўғрисидаги таълимот эканлигиға ишонч ҳосил қиламиз. Президентимиз Ислам Каримов «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номли асарида 1991-2000 йилларга - мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётда улкан из қолдирган ўтмиш даври, 2001-2007 йилларни фаол демократик янгилашлар ва мамлакатини модернизация қилиш даври деб атади. Ушбу икки даврда жамиятнинг барча соҳаларида сифат ўзгаришларини кузатишимиз мумкин. Масалан, бир палатали парламентнинг икки палатали парламентға айланиши, сиёсий партиялар ваколатларининг кенгайиб бораётгани, ўлим жаосининг бекор қилинган, судларнинг ихтисослашуви, қамқоқа олишға санкция бериш ҳуқуқининг судларға ўтказилгани, фермер ҳўжаликлариға ажратилаётган ер майдонининг мақбуллаштирилаётгани, сайлов тизимидаги сифат ўзгаришлари, автомобильсизлик, йўл қурилиши, шахар ва қишлоқларнинг гуллаб-яшнаб бораётгани ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Бир сўз билан айтганда, мустақиллик ҳамда пухта ўйланган «Ўзбек модели» ижтимоий тараққиёт концепциясининг шарофати билан Ўзбекистон бугун ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олмақда. Бу эса Ўзбекистонда янги тараққиёт даври бошланганлигини англади.

Шавкат МАМАДАЛИЕВ, ИИБ Академияси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарисини ва амалиётни кафедраси бошлиғи, фалсафа фанлари доктори.



Ҳаёт сўқмоқларида

ҲОФИЗНИНГ ДУШМАНИ...

Тўйхона меҳмонлар билан гажум эди. Ҳашаматли ресторанининг зали шохона безилган, дастурхонлар ноз-неъматларга тўла, мусиқа авжида, ҳамманинг кўзи ўртада рақса тушаётган йигит-қизларга қаратилган. Ниҳоят, рақс тугаб, ўртакаш йигит қарсақлар остида куёв ва келин тарафдан кимларгадир табрик учун сўз берди.

Боситхон эндиги навбат яна ўзига келганини сезиб, пилёдаги совиб қолган чойни хўпладио, ансамблидаги йигитларга «Тайёрланишлар!» дегандек ишора қилиб қўйди. Унинг бутун диққат-этибори тўйхонага, қўстир-қўстир-ни авжига чиқараётган пулдорлару, маст-аласт йигитларга қаратилган. Худди шу тобда «Ёшлар саройи»да ўтказилаётган, унинг ҳам иштирок этишини сўраб элиниб-ёлворишган талабалар даврасига бормайдиган мамну. Борган тақдирда бу ердаги «даромад»дан куруқ қолиши турган гап эди. «Бир тарафдан шуниси ҳам яхши, — кўнглидан ўтказди у. — Санъаткорнинг қадри ошадими!»


Ҳақиқатан ҳам кейинги пайтларда у ўзи ташкил этган вокал-эстрада гуруҳи анчайин оммалашиб кетган, кўшиқлари радио тўлкинларию телевидение орқали тез-тез бериб турилар, кўшиқлар ёзилган дисколари касеталар сотувга чиққан, муҳлислари кўпайиб борарди. Тўйларни-ку, қўяверасиз, одамларда гўё хонанда Боситхон Шамсиев қатнамаса, тўй ўтмайди-дегандек бир кайфият пайдо бўлган.

Боситхон ярим йилча аввал олдинги эстрада гуруҳи танкида учраган жўровоз оғайни Содиқжон: «Ҳамма айб сенда! Ҳашаки ашуларни кўпайтириб юбординг. Уларда на маъно, на мазмун бор. Яна нархингни осмонга чиқариб юбординг!» дея гуруҳдан чиқиб кетган эди. Шундан сўнг хофиз Боситхоннинг ҳафсаласи буткул сўнган, дунё кўзига қоронғи бўлиб қолган.

Йўқ, бу кўнглисизликлар узоққа бормади. Боситхон югурди-ёлди. Бақувватроқ таниш-билишлари орасидан ҳомийлар топди. Гуруҳга янги созандаларни тўплади. Репетициялар ва студия учун ижарага икки хонали уй олди. Охир-оқибат аввалги обрўсини тиклаб олди. Лекин бахтга қарши, ансамбли тўрт қаватли уйнинг биринчи қаватида жойлашган эди. Вақт-бемаҳал шовкин солиб, репетиция қилаверишгач шу уйда яшайдиганлардан шикоят тушди. Ишни яна тўхатишга тўғри келди.

Уёқда бўлса, Содиқжоннинг ишлари юришди-кетди. Бутун диққат-этибор унга қаратилди. Телевидениеда ҳам Содиқжон, радиода ҳам. Халқ термалари йўлида айтган ашуларни учун ёш хонандалар танловида голиб чиқди. Кўп ўтмай Туркияга гастролга кетди. Кейинроқ Миср, Европа мамлакатларида бўлди. Бир нечта халқаро фестивалларда голибликни қўлга киритди.

Боситхон эса ўз-ўзидан унинг соясида қолиб кетди. Унинг муҳлислари сийраклашиб қолган, радиого



ҳам, телевидениега ҳам тақлиф қилишмас, фақат тўйлару-зиёфатлардагина хизмат қилиб юрар, ичиндан эзилар, аммо сиртига чиқармасди.

Энг қизиғи, Содиқжон билан алоқалари ҳалигача узилмаган, баъзан кўришиб туришар, дўсти унга астойдил ачинар: «Сен арзон-гаров мақтовлар, қарсақлару пулга учдинг!» — деб ўйиб-ўйиб олар, кейин бағрига босиб: — Ҳафа бўлма, барибир сени яхши кўраман. Кўз очиб кўрган оғайнимсан. Болалиқдан бирга катта бўлди. Мусиқа мактабидаям, консерваторияда бирга ўқидик» дегани-деганди. Шундай пайтларда Боситхон уни гажиб ташлагиси келарди, аммо ўзини босарди.

Бир сафар жуда ёмон бўлди. Санъат саройида ёш санъаткорлар концерти ўтказилди, унга Содиқжоннинг, Боситхоннинг тақлифи этишди. Дастурга қўра ҳамма бир жуфтдан кўшиқ айтиши керак эди. Лекин зални тўлдириб ўтирган муҳлислар Содиқжонни кўйиб юбориш-

ришмади. Хуллас, кайф устида уриб Аъзамнинг бурнини синдиришди. Буюм етмагандек, роса дўппослашди. Кўшни хонандоларнинг биридан кимдир: — Бас қилинлар, йўқса ҳозир милиция чақираман, — деб бақирганида ерда ётган Аъзамнинг чўнтақларини кавлашиб, уяли телефони, пули ва пластик тўлов карточкаларини олиб кўчага чиқиб қочибди.

Аъзам пича ўзига келгач ўрнидан туриб, йўлақдан чиқди. Уни кўчада пойлаб турган безорилар, милицияга хабар берсанг, ўзингни қаматамиз, биттамаси оғанда ишлаймиз, деб кўрқитишди. Аъзам аввалга уларнинг сўзидан чўчиб, ҳеч кимга арз қилмайман деб ваъда берди.

Орадан бир неча кун ўтгач, қалтак егани, пулидан, нарсаларидан айрилиб қолгани унга алам қилди. Уч олиш истагида ёнган йигит қанча изламасин ўзравонларни тополмади. Шундан сўнг ички ишлар идорасига мурожаат қилди. Безорилар тезда қўлга олинди. Ўзларига қўйилган айбни инкор этишга қанчалик ҳаракат қилишмасин, бунинг урдасидан чиқишолмади. Дастлабки төрғов чоғида Илғор уяли телефонини бозорда савдо-сотик билан шуғулланганидан бир аёлга сотганлигини тан олди. Шунингдек, пластик тўлов карточкалари ҳам топилди. Айбдорларга амалдаги қонунга мувофиқ суд ҳукмига қўра тутиш жазо тайинланди.

Хўш, юз берган воқеадан қандай хулоса чиқариш мумкин? Авваламбор, мастлик, ичкиликбозлик кишини аксар ҳолларда жиноят кўчасига бошлашига яна бир бор амин бўламиз. Яна беихтиёр доно халқимизнинг «Саёқ юрган таёқ ейди» деган ибратли мақоли ёдга тушади.

Узбекистонда ишлаб чиқарилган шаф, диван, ошхона ашёлари неғадир қудаларига маъқул бўлмаганини хотинидан эшитган Самад аканинг кайфияти тушиб кетди. Аслида у анча йиллар олдин олиб қўйган ер участкасини сотиб, шу мебеллар төрмасини харид қилган эди. Яна бир муаммо — қудалари ўқимишли, ўзига тўқ одамлар бўлишса-да, Гулнора-нинг охириги йилдаги шартнома пулини тўлашни истамади. Бу ҳам етмагандек, девяри хар қуни Гулнорани отасига шу

масалада кўнғироқ қилишга мажбурлашарди.

— Қўзим, — деди Самад ака охири ҳафсаласи пир бўлиб. — Сени беш йил ўқитдим. Уйинг-дагилар шартнома пулини бир йилгина тўлашса шифокор бўласан. Ахир энди бизга эмас, уларга фойданг тегишини наҳотки тушунишмасан? Ҳозир уйдаги шароитни ўзинг яхши биласан.

— Нима қилай, отажон?! — деди Гулнора йиғламоқчи. — Уйда тинчлик йўқ. Хар қуни шартнома тилга олинди. Агар шунча хафагарчилик бўлишини билсам, ўқиб тугагунча турмушга чикмасдим.

Ҳайтовур куёв Азизбекнинг раҳми келдимми, дўстлари ва таниш-билишларидан қарз олиб, шартнома пулини тўлади. Аммо Гулнорага ота-онанинг уйига боришни таққилаб қўйди. Самад ака анча вақтгача кизини ўқиб жойига бориб, кўриб келадиган бўлди.

— Мен уч қизимни университетда ўқитиб, турмушга бердим. Қизларимдан икитаси шартнома асосида ўқишди. Тўғриси, мана шу муаммо юзага келишини эътиборга олиб, бошида кўп совчиларга рад жаовобини беришимга тўғри келган, — дейди ғиждувонлик фермер аёл Сакина опа Элова. — Кенжа қизимнинг шартнома пулини қудалар

билан биргалашиб тўлади. Икки томонда ҳам норозилик сезилгани йўқ.

Агар қудалар тўйдан кейин ўзаро келишишса муаммо чиқмаслиги табиий. Лекин юқоридаги каби қудаларда шартнома пулини тўлаш оила турган икки ёш ва қудалар ўртасида келишмовчилик келиб чиқишига сабаб бўлаётгани сир эмас.

— Ҳақиқатан ҳам келин бўлган талаба қизлар оиласида бу хусусда турли гап-сўзлар, норозиликлар пайдо бўлишини кўп кузатганман, — дейди талаба Моҳиғул Саидова. — Шу сабабли ўқимни тугагунча турмушга чиқмаслиқни ўйлаб қўйганман. Чунки дипломни қўлга олгач келин бўлсангиз низоларнинг олди олинди.

Бизнингча, талаба қизни келин қилаётганда қувнинг ота-онаси масаланинг шу томонини ўйлаб, кейинги тўлов масъулиятини ўз зиммасига олиши керак. Чунки ўқий биттадан сўнг ишга жойлашади. Табиийки, энди унинг топётган даромади янги оиласи бюджетига қўшилибди. Бугунги кунда доллар бўлиб қолган бу муаммо юзасидан билдирган мулоҳазаларимиз газетхонларни ҳам бедарак қўзғатмайди, деб ўзим қиламиз.

Моҳиғул НАЗАРОВА, Бухоро вилояти.

силлатиб, кўзаларини сузиб, рақса туша кетдилар.

Тўйхона мастона қийқириқлардан ларзага тушгудек бўлди.

Номи эл оғзига туша бошлаган ёш хонанда Содиқжон Расуловнинг бевақт ўлими ҳақидаги совуқ хабар эртасигаёқ бутун шаҳарга тарқалди. Кечагина дилбар кўшиқлари билан муҳлис-лар қалбини забт этиб, концерт заллари, тўйлару давраларга файз киритиб, довруқ қозongan санъаткорнинг ўлими кўпларни лол қолдирди.

Маълум бўлишича, унинг чалажон танаси тоғ қоронғисига Бўзсув жарлиги ёнидаги кўприк тағдир топилган. Юз-кўзалари мушт зарбидан қўқарган, оғзи-бурни қонга беланган эди. Зудлик билан касалхонага олиб бориб, тиббий ёрдам кўрсатишди. Аммо унинг қорнига қаттиқ зарба берилгани учун жигари эзилиб кетган экан. Шошилинч жарроҳлик столига ётқизилган, аммо Содиқжон ҳуши ўзига келмай, жон берибди...

Содиқжон қалтаклашиб оғир жароҳат олгани аниқ. Бироқ ҳаётда биров билан муштлашмаган, бир қултум ичкилик ичмаган, мусичадек беозор йигитнинг бу қўйга тушиши мутлақо қўтилимаган ҳол эди. Яна хайрон қорали томони, тажовуз қилганлар унинг эгнисидаги яп-янги қимматбахо чарм куртка, уяли телефонию, чўнтағидаги бир даста пулга тегишмаган эди. Содиқжоннинг оғзидан эса гупиллаб ароқ ҳиди анқиб турарди.

Ана шу жиҳатлар тезкор ходим, капитан Аслиддин Камоловни ўйлантириб қўйди. «Эндигина йигирма беш ёшга кирган, бип-бинойидек йигит қанақасига бундай фожиага учраши мумкин? Ҳали ўйланмаган. Эл орасида ёш, истеъдодли хонанда сифатида шуҳрат қозongan. Қатор-қатор муқофотлар олган. Гувоҳларнинг таъкидлашича, оғзига ичкилик олмаган, ҳеч ким билан «сан-ман»га бормаган, ниҳоятда одооби йигит экан».

(Давоми бор). Эркин УСМОНОВ.

Қилмиш-қидирмиш

МАСТЛИК КАСРИ

ёки саёқ юрган таёқ ер

Ёзнинг ҳазирама кунларидан бири эди. Ҳамма ўз иши, юмуши билан банд. Биров қиш ғамини еб, мевалардан ширинликлар тайёрлапти. Кимдир телевизор қаршисида ўтириб, севимли сериалини томоша қилмоқда.

Кўҳна ва навқирон Самарқанднинг ресторанидан бирида курсдошлар учрашуви бўлиб ўтапти. Шуҳ мусиқа садолари янграпти. Дастурхонга турли ноз-неъматлар тортилган. Фаввораларнинг оти-лиши ҳам кишига завқ-шавқ бағишлайди. Аъзам (исмлар ўзгартирилган) курсдошлари билан дийдорлашганидан ўзида йўқ шод.

Тасодифни қарангки, тахминан шу вақтда Илғор яхши кўрган қизига кўнғироқ қилиб, уни шаҳарнинг бошқа чеккасидаги ресторанга тақлиф этди. Улар у ёқ, бу ёқдан гаплашиб, ҳазиллашиб туришганида Илғор бир пайтлар бирга жазо ўтаган ошнасини эслаб қолди.

— Зафарниям ресторанга тақлиф қилсам-чи? — сўради қиздан.

— Бемалол, — деб Наташа унга ўзининг уяли телефонини узатди. — Мана, кўнғироқ қилинг.

Дўсти келгач, Илғор пиво, кабоб буюртди. Кечаси аллаҳаллаҳа баъзи жамшид давом этди. Ниҳоят уй-ўйларига тарқалиш учун туришди. Наташани уйига қўзатиб қўйишгач, Зафар ошнасига: — Юр, сени бир жойга олиб бораман. Лолани биласан-ку. У меҳмон қутишни ўрнига қўяди, — деди.

— Беш кунлик дунёда бир яй-расак яйрабмиз-да. Кетдик, — дарҳол рози бўлиб қўя қолди Илғор ҳам.

Икки улфат Лоланинг уйига келишса, унинг хонадониде яна уч йигит айшу ишрат қилаётган экан. Кимдир бир шиша шайтоннинг сувидан топиб келди. Улфатчилик қизиганда қизиди.

Бахтсиз тасодифни қарангки, Аъзам шу пайтда курсдошлари билан хайрлашиб, Лоланинг уйига қараб йўл олганди. Уйда гўлдай хотини бўлишига қарамай, унинг энгилтабиат аёллар билан айш-ишрат қилгиси келганди.

Лоланинг уйда тўпланган ишадослар чеккани, шу баҳона тоза ҳаводан нафас олгани йўлакка чиқибди. Қараша, ёнларида сигаретлари қолабди. Шу пайт кўзлари Аъзамга тушди. Кимдир ундан сигарет сўради.

— Мен чекмайман, — деди Аъзам.

Ҳаммалари маст эмасми, ораларидан гап қочди. Илғор билан Зафар унга ташлашилди. Бошқалар ҳам қараб ту-

ришмади. Хуллас, кайф устида уриб Аъзамнинг бурнини синдиришди. Буюм етмагандек, роса дўппослашди. Кўшни хонандоларнинг биридан кимдир:

— Бас қилинлар, йўқса ҳозир милиция чақираман, — деб бақирганида ерда ётган Аъзамнинг чўнтақларини кавлашиб, уяли телефони, пули ва пластик тўлов карточкаларини олиб кўчага чиқиб қочибди.

Аъзам пича ўзига келгач ўрнидан туриб, йўлақдан чиқди. Уни кўчада пойлаб турган безорилар, милицияга хабар берсанг, ўзингни қаматамиз, биттамаси оғанда ишлаймиз, деб кўрқитишди. Аъзам аввалга уларнинг сўзидан чўчиб, ҳеч кимга арз қилмайман деб ваъда берди.

Орадан бир неча кун ўтгач, қалтак егани, пулидан, нарсаларидан айрилиб қолгани унга алам қилди. Уч олиш истагида ёнган йигит қанча изламасин ўзравонларни тополмади. Шундан сўнг ички ишлар идорасига мурожаат қилди. Безорилар тезда қўлга олинди. Ўзларига қўйилган айбни инкор этишга қанчалик ҳаракат қилишмасин, бунинг урдасидан чиқишолмади. Дастлабки төрғов чоғида Илғор уяли телефонини бозорда савдо-сотик билан шуғулланганидан бир аёлга сотганлигини тан олди. Шунингдек, пластик тўлов карточкалари ҳам топилди. Айбдорларга амалдаги қонунга мувофиқ суд ҳукмига қўра тутиш жазо тайинланди.

Хўш, юз берган воқеадан қандай хулоса чиқариш мумкин? Авваламбор, мастлик, ичкиликбозлик кишини аксар ҳолларда жиноят кўчасига бошлашига яна бир бор амин бўламиз. Яна беихтиёр доно халқимизнинг «Саёқ юрган таёқ ейди» деган ибратли мақоли ёдга тушади.

Фаррух САЛОМОВ, капитан. Дилбар САЛОХИДИНОВА, Самарқанд вилояти.

Сиз нима дейсиз?



ХОНАДОНДАГИ ТАЛАБА КЕЛИН

Гулнора тиббиёт институтига шартнома асосида ўқишга кирган кун Самад аканинг кечагина эсида. Уша қуни уйда байлар бўлиб кетган, эди. Кейинги йили иккинчи қизи Дилдора, сўнг Дилсора ҳам давлат гранти асосида педагогика университетига ўқишга қабул қилиниши оила қувончига қувонч қўшди. Айниқса, мактабда муаллим бўлиб ишлаш билан бирга уйда репетиторлик қилаётган ота қизларидан фахрланиб кетди. Самад ака рўзгордан орттириб, Гулноранинг шартнома пулини вақтида тўлар, уч талаба қизининг қийинишидан тортиб, қундалик харажатларига амаллари. Аммо орадан беш йил ўтиб, Гулноранинг турмушга чиқиши муаммоларга сабаб бўлди.

Узбекистонда ишлаб чиқарилган шаф, диван, ошхона ашёлари неғадир қудаларига маъқул бўлмаганини хотинидан эшитган Самад аканинг кайфияти тушиб кетди. Аслида у анча йиллар олдин олиб қўйган ер участкасини сотиб, шу мебеллар төрмасини харид қилган эди. Яна бир муаммо — қудалари ўқимишли, ўзига тўқ одамлар бўлишса-да, Гулноранинг охириги йилдаги шартнома пулини тўлашни истамади. Бу ҳам етмагандек, девяри хар қуни Гулнорани отасига шу

масалада кўнғироқ қилишга мажбурлашарди. — Қўзим, — деди Самад ака охири ҳафсаласи пир бўлиб. — Сени беш йил ўқитдим. Уйинг-дагилар шартнома пулини бир йилгина тўлашса шифокор бўласан. Ахир энди бизга эмас, уларга фойданг тегишини наҳотки тушунишмасан? Ҳозир уйдаги шароитни ўзинг яхши биласан.

— Нима қилай, отажон?! — деди Гулнора йиғламоқчи. — Уйда тинчлик йўқ. Хар қуни шартнома тилга олинди. Агар шунча хафагарчилик бўлишини билсам, ўқиб тугагунча турмушга чикмасдим.

Агар қудалар тўйдан кейин ўзаро келишишса муаммо чиқмаслиги табиий. Лекин юқоридаги каби қудаларда шартнома пулини тўлаш оила турган икки ёш ва қудалар ўртасида келишмовчилик келиб чиқишига сабаб бўлаётгани сир эмас.

— Ҳақиқатан ҳам келин бўлган талаба қизлар оиласида бу хусусда турли гап-сўзлар, норозиликлар пайдо бўлишини кўп кузатганман, — дейди талаба Моҳиғул Саидова. — Шу сабабли ўқимни тугагунча турмушга чиқмаслиқни ўйлаб қўйганман. Чунки дипломни қўлга олгач келин бўлсангиз низоларнинг олди олинди.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



Фуқаро Гулжаҳон Абдувоси қизи (Ўлмасхон) Турсунова Андижон вилояти Шаҳрихон тумани ИИБ томонидан бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда. У 1992 йилда туғилган. Бўз тумани «Холдеворбек» қишлоқ фуқаролар йиғини Янгиобод маҳалласи, 48-уйда яшаган. 2010 йил 29 июль кунини Шаҳрихон шаҳридаги Шаҳрихон улғуржи бозорига онаси Маҳбубахон Турсунова билан бирга келганида номаълум томонга кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, ўртача гавдали, юзи чўзиқ, бугўйранг, сочи, қошлари ва кўзалари қора, киприқлари узун, лаби қалин, олдинги иккита тиши бўртиб чиққан.

Алоқида белгилари: жағининг пастки қисмида 1 см. чандиғи бор.

Кийимлари: эғнида оқ-қора рангли кўйлак, қора туфли, қўлида оқ сумка бўлган.

Юқорида исм-шарифи зикр этилган фуқарони кўрган, қаердалигини билганлардан Шаҳрихон тумани ИИБга ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма ЭКБ бошлиғи, подполковник Гулмурод Раҳимовга онаси

ҲАЛОВАТ МОМОННИГ вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.



Расмлар муаллифи Муроджон УНГАРОВ.

ИСТИҚЛОЛИНГ МУБОРАК, ЮРТИМ!

ВАТАН

Юртим! Жамолингдан қувнайди кўзим,
Тилим лол, мадҳинга етмайди сўзим,
Дунёда топилмас сендайин чаман,
Мен ўзим посбонинг бўлайин, Ватан!
Жон фидо ўғлонинг бўлайин, Ватан!

Халқсевар, халқларвар, мард Юртбошимиз,
Мангуга қўйилган тамал тошимиз,
Мағрурдир эгилмас асло бошимиз,
Мен ўзим посбонинг бўлайин, Ватан!
Жон фидо ўғлонинг бўлайин, Ватан!

Илоҳим йўлингни равон айласин,
Аждодларнинг руҳи мудом қўлласин,
Келажак авлодлар бахтинг куйласин,
Мен ўзим посбонинг бўлайин, Ватан!
Жон фидо ўғлонинг бўлайин, Ватан!

Ватаним, равнақинг бўлсин зиёда,
То абад бошинг тик бўлсин дунёда,
Фаровон макон бўл сен бу дунёда,
Мен ўзим посбонинг бўлайин, Ватан!
Жон фидо ўғлонинг бўлайин, Ватан!

Б. АЛЛАЁРОВ,
капитан.



КЕНГ ЖАҲОН ҚИЛСИН ҲАВАС

Ўн тўққиз йилдирки, нур сочмоқда Истиқлолимиз,
Ўн тўққиз йилдирки, гул очмоқда бахт-икболимиз.

Ўн тўққиз йилдирки, жисму жонимизни яйратиб,
Бошимиз узра эсар соф, беғубор шамолимиз.

Инқироз бўҳронлари дунёни қамраб олсада –
Минг шукрим тўқ, фаровон кечмоқдадир ҳаётимиз.

Ўн тўққиз йилдирки, озод, ҳур Ватан оғушида –
Яратиш, барпо қилиш, ижодга банд ҳаёлимиз.

Ўн тўққиз йилдирки, юртимнинг гўзал бог-роғлари –
Ичра зўр ҳосил берар эккан кўчат, ниҳолимиз.

Эй, Исомиддин, жўшиб куйла Истиқлол мадҳини,
Кенг жаҳон қилсин ҳавас қўриб бахту камолимиз.

И. ЖУМАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Ассалом, мактаб!

БАРЧАГА АЗИЗ МАСКАН

Ёзги таътилдан болажонлар ва талаба-ўқувчиларнинг армони қолмагани аниқ. Айниқса, Баркамол авлод йили муносабати билан давлатимиз томонидан уларга яратиб берилган шарт-шароитлар, имкониятлар дилларга янада шодийналик бағишлади. Шу боис мавсумни кимдир оромгоҳда ўтказган бўлса, бошқаси саёҳатда, табиат қўйнида, тўғрақларда катнашиб, дарсларда ўрганганларини амалиёт билан чамбарчас боғлади. Мухтасар қилиб айтганда, таътилда ёшларнинг ҳар дақиқаси кўнгилдагидек ўтиши таъминланди. Лекин барибир сеvimли масканлари – мактаб соғинчи бир муддат бўлса-да, улар ҳаёлини тарқ этмагани бор гап.

Сирғали туманида жойлашган 284-ўрта мактабда. Юзлари-қўзларида қувонч порлаб турган ўғил-қизлар – эртамиз эгалари устозларини, тенгдошларини янги ўқув йили билан қутлашапти. «Мехнат-роҳат» маҳалласида яшайман, – дейди набирасини 1-синфга етаклаб келган Эгамназар Шоназаров. – Зарурат бўлмагани учун бу даргоҳга келмаганимга анча йиллар бўлди. Набирамни синфхонага олиб кириб ҳайратланиб қолдим: биринчи бор қадам-ранжидан қилаётган ўқувчиларга яратилган шароитлар лол қолдирди. Мактабнинг ички жиҳозлари, компьютер хоналари, замонавий стол-стуллар... Беихтиёр ёшлигим эсга тушиб кетди, бунақасини тўшимизда ҳам кўрмагандик. Ҳукуматимизга ташаккур! Ўғил-қизларимизга шу даражада эътибор қаратаётгани учун. Бироздан сўнг биринчи кўнги-роқ чалиниб ўқувчилар ўз синфхоналарига киришди: биринчи дарс – «1 сентябрь – Мустақиллик куни» мавзусига бағишланди. Мазкур мавзу юзасидан ўқитув-

чиларнинг бераётган саволларига болажонлар дадил, жўшиб жавоб қайтаришарди. Бу жўшқинлик, билагонлик ва дадилликни истиқлол илҳами берганлиги аққол кўзга ташланиб турарди. Ахир, келажакимиз ворислари аслида шундай бўлишлари керак-да!..

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.



Суратларди: янги ўқув йили ўғил-қизларга янада қувонч олиб келди. Шавкат ҚАҲХОРОВ олган суратлар.

ҲАР БИР БОЛА ЭЪТИБОРДА

Юртимизда болалар меҳр ва эътиборда экани шу кунларда давом этаётган Истиқлол байрами шодийналарида яна бир бор намойён бўлмоқда. Вилоят марказидаги «Ширин» маданият саройида имконияти чекланган, кам таъминланган оила фарзандлари учун байрам тадбири ташкил этилгани бунга мисол.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан вилоят ИИБ томонидан уюштирилган тадбирда Кармана, Хатирчи ҳамда Навбахор туманларидан 50 нафарга яқин ўғил-қиз иштирок этди. Таклиф этилганлар ше-

рийат мулкнинг султони, буюк бобокалонимиз Алишер Навоий номи билан аталувчи истироҳат боғи ва шаҳарнинг энг гўзал масканларини томоша қилишди. Шундан сўнг байрам тадбирининг асосий қисми «Ширин» маданият саройида давом этди. Уни вилоят

ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник Рашид Абдуллаев очар экан, мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан ва маънан етук, соғлом қилиб тарбиялашга энг долзарб вазифалардан бири деб қаралаётгани. Президентимиз раҳнамолигида дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган баркамол авлодни вояга етказишдек эзу мақсадлар изчил амалга оширилаётганини таъкидлади. Сўнгра иштирокчи ёшларга мактаб ва спорт формаси, ўқув куроли сингари совға-саломлар топширилди. Энг иқтидорли деб топилган хатирчилик Умида Нуридинова ҳамда карманалик Малика Ну-

А. МИРЗАЕВ,
Навоий вилояти.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тиббиёт бошқармаси ШИФОКОР ВА ФАРМАЦЕВТИК ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда жисмонан ва руҳан соғлом, ички ишлар идоралари сафида хизмат қилишга лаёқатли, Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота, Янгийул, Тошкент ва Ўрта Чирчиқ туманларида муким яшайдиган, шифокорлик ҳамда фармацевтик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи дипломага эга бўлган фуқаролар қатнашишлари мумкин. Танлов ички ишлар идораларига хизматга қабул қилиш талаблари асосида амалга оширилади. Маълумот учун телефонлар: 231-34-24, 231-46-74.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган тахририятига олий маълумотли журналист ёки филолог мутахассислигига эга бўлган, ички ишлар идораларида хизмат қилаётган, ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларини битирган, Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятининг Зангиота, Янгийул, Тошкент, Қибрай ва Ўрта Чирчиқ туманларида доимий рўйхатдан ўтиб яшайдиган сержантлар **муҳбирлик** лавозимига танлов асосида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: 231-41-09, 231-41-35, 231-33-88; Манзил: Тошкент шаҳар Юнус Ражабий кўчаси, 1-уй.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

КҮЙ.
Ҳафтанинг биринчи ярми ижодий ишлар ва сеvimли машғулотлар билан шуғулланиш учун қулай. Қолган кунларда ҳамкасблар ва буюртмачилар билан фойдали алоқаларни йўлга қўйиш билан машғул бўлишингиз мумкин. Мазкур алоқалар ҳамкорликни мустаҳкамлаб, янги режа ва лойиҳаларни амалга ошириш имконини яратлади.

СИГИР.
Ушбу ҳафтада уй юмушлари билан банд бўлганингиз маъқулроқ. Яқинларингиз, оила-аъзоларингиз билан вақтингизни чоғ ўтказишга нима етсин. Ишингизда ҳам фаол бўлиш, ўз мақсадларингиз сари дадил интилиш қутилган натижаларни беради. Ҳафта охирида севган кишингиз билан саёҳатга чиқиш бу даврни мароқли яқунлишига хизмат қилади.

ЭГИЗАКЛАР.
Ўзгалар билан ҳар қандай мулоқот сизга энгиллик ва ҳушудлик бағишлайди. Ҳафта охирида ижодий ишлар билан шуғулланганингиз маъқул. Юзага келган вазиятни фикрингизни жамлаб ижобий ҳал этишингиз мумкин. Спорт ва бошқа турли хил танловларда иштирок этишингиз сизга муваффақият келтиради.

ҚИСКИЧБАҚА.
Молиявий масалалар, кундалик харидларингизни муваффақиятли ҳал этиш, амалга ошириш фурсати келди. Шунингдек, ҳаётингизнинг мазмунини ҳақиқатга яқинлаштириш, ҳаётингизнинг мазмунини бошқадан баҳолаб олсангиз фойдадан холи бўлмасди. Оилангиз ва яқинларингиз билан муносабатларингиз ўзгариши ижобий ҳал бўлишини ис-тасангиз кўпроқ ҳаракат қилишингизга тўғри келади.

АРСЛОН.
Ҳафта давомида ҳаракатларингизнинг табиий ва содда бўлишига эътибор беринг. Ўзаро мулоқотларга жиддий тус берманг. Ҳамкорларингиз ва яқинларингиз билан тил топишига ҳаракат қилинг. Ҳафта охирида уй юмушлари билан машғул бўлиш фойда берса берадики, зарар етказмайди.

БОШОҚ.
Мазкур ҳафтанинг биринчи ярмида ортиқча фаоллик, саъй-ҳаракатлар, кўп куч ва қувват талаб қиладиган ишлар билан шуғулланмаганингиз маъқул. Ўзингизни зўриқтирмай, дам олганингиз яхшироқ. Бирор-бир фикрдан завқланиб иш бошла-сангизгина омад қилиб боқадим. Молиявий муаммоларни ҳам осон ҳал этасиз.

ТАРОЗИ.
Ҳафтанинг бошида дўстлар билан мулоқот олдатиладиган ташқари ҳиссийатли кечади. Мулоқотлар чоғида ўзаро ишонч муҳитини яратишга эътибор беринг. Яқин келажакда амалга ошириш лозим бўлган ишлар режасини тузишингиз мумкин. Шунингдек, мазкур ҳафта ижодий қирраларингизни намоён қилиш учун қулай.

ЧАЁН.
Ҳафтанинг биринчи ярмида кундалик ишлар ва мақсад вазифаларингизни аниқ белгилаб олинг. Раҳбарларингиз ёки нуфузли кишилар билан алоқаларингизни яхшилаш учун қулай фурсат етди. Дам олиш кунлари яхшиси уйда, оила аъзоларингиз билан бирга бўлиш мавжуд муҳитни яхшилаш, юмшатиш имконини беради.

ЁЙ.
Ушбу ҳафта янги билимлар олиш, дунё-қарашингизни кенгайтириш учун қулайдир. Ўқийда, илмий изланишлар, турли тахриба ва текширувлар ўтказишда сизни муваффақиятлар кутмоқда. Шахсий режаларингизни амалга оширишда ҳам фурсатни қўлдан берманг. Ҳафтанинг охирида дам олиб, хордик чиқаришни унутманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ.
Зарарли одатлардан воз кечиб, асаббўзарликларингиз олдини олишга киришинг. Ўз кўнгиңиз ва ғайратингизга ишончи ишнинг бошидан тусангиз зарар кўрмайсиз. Ҳафтанинг охири жамоат ишларида фаол қатнашиб, кишилар билан мулоқотга киришиш ҳаётга бўлган қизиқишингиз ортисидан далолат бермоқда.

КОВҒА.
Шерикларингиз билан мулоқотда табиийликни қўлдан бой бермасангиз, айрим вазиятларга аниқлик киритиб оласиз. Шунингдек, маъқул ҳафта билим олиш ва илмий ишлар билан шуғулланиш учун айни муддао. Ҳафта давомида муҳим ҳаёт тахрибасига эга бўласиз. Режаларингизни бошқалардан сир тутганингиз маъқул.

БАЛИҚ.
Ҳафта бошиданок саломатлигингизга эътибор қаратинг. Ҳафта давомида ўзингиз учун ноаниқ бўлган қўллаб-саволлар туғилади. Ҳафта охирида дўстлар билан мулоқот, биргаликда саёҳатга чиқиш омадли кечади. Ўқув машғулотларида қатнашиб янги дўстлар ва ҳамфикрлар орттиришга хизмат қилади.

ISSN 2010-5355	Bosh muharrir Zikrillo NE'MATOV	TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88; Faks: 232-05-51. E-mail: urmvd@inbox.uz	Ko'chirib bosilshda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Go'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.	Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI	Bosh muharrir o'rinbosari – Qobiljon SHOKIROV Mas'ul kotib – Rahmatilla BERDIYEV Naybatchi – Guli Nigora AVAZOVA Sahifalovchi – Zokir BOLTAYEV Matn ko'chiruvchi – Gulnora SODIQOVA	Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.	«O'zbekiston» nashriyat-matbaa ijodiy uyi boshmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.	Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №J-47. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 63659 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosilishga topshirish vaqti – 23.00. Bosilishga topshirildi – 23.00.
MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI	MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.			